

331.101(043.3)

AIS

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
тальлим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Кўлёзма хуқуқида
УДК 330 338(575.1)

Абулкасимов Ҳасан Пирназарович

**ШАКЛЛАНАЁТГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА УНИ ФАОЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01-«Иқтисодий назария» ихтинослиги

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2005

ташкىл қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва баҳтли яшашы мүмкін, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади»¹.

Инсонлар ва аҳоли турли ижтимоий тоифаларининг ҳаётини яхшилаш, уларнинг мақсаду маңбаатларини ва интилишларини рӯёбга чиқариш учун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, унинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бу борада Юртбошимиз: «Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим»², - дея таъкидлаган эдилар.

Шу билан бирга, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш кўп жиҳатдан инсонларга, ҳар бир фуқаро ва халқнинг меҳнат фаоллигига боғлиқдир. Демак, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнлари билан аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, инсонларининг иқтисодий фаоллигини ошириш ўзаро узвий боғлиқдир. Шу сабабли, инсон омилининг мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашдаги ролини ошириш ҳамда фаоллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш илмий-амалий жиҳатдан мухим аҳамият касб этади. Бу эса, инсон омили мазмунини янгича талқин этиш, унинг шаклланипши, амал қилиши масалаларини фаоллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ва устувор йўналишларини ўрганишга қаратилган ушбу тадқиқот мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон ва унинг меҳнатининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли, аҳамияти Шарқнинг буюк олим ва мутафаккирлари, шу жумладан, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Низом ал мулк, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган³. Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг амал қилиши билан боғлиқ кўплаб назарий ва методологик жиҳатлари – тақрор ишлаб чиқариш, капитал жамғариш ва иқтисодий ўсишга тадбиқан турли иқтисодий мактаблар вакиллари, шу жумладан:

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 12-13-б.

² Ўша ерда 36-б.

³ Карап: Всемирная история экономической мысли. В 6 т. Т.1./ МГУ им. М.В. Ломоносова; Гл. ред. кол.: В.Н. Черковец и др. – М.: Мысль, 1987. – С.320-329.

А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сей, Ж.М.Кейнс, Г.Саймсон, Ф.Хайек, П.Хейне, О.Уильмсон ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган¹.

МДХ мамлакатларида инсон омилиниң бозор иқтисодиётiga ўтиш давридаги айрим жиҳатлари А.И.Ильин, Н.И.Критский, И.Н.Мыслеяева, Д.В.Валовой, А.Орлов ва бошқалар томонидан ўрганилган².

Ўзбекистонда инсон омили амал қилишининг умумий назарий асосларини ўкув қўлланмаси доирасидаги тавсифларини К.Х.Абдураҳмонов, Р.А.Алимов, Т.Т.Жўраев, Д.Тожибоева, М.Ш.Шарифхўжаев, Т.А.Шарифулина, Ш.Ш.Шодмонов, А.Ў.Ўлмасов ва бошқалар баён эттанлар³. Ушбу омилнинг меҳнат салоҳияти сифатида намоён бўлиши ва уни бошқариш масалалари А.А.Абдуганиев, Д.Н.Рахимова, З.Толаметовалар томонидан ўрганилган⁴.

Инсон омилиниң амал қилиши мотивациясини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари, шу жумладан, даромадларнинг, ижтимоий фондларнинг шаклланиши ва уларнинг кишилар кобилияти ҳамда фаолият натижаларига кўра, табақаланиши нуқтаи-назаридан С.Л.Алибекова, А.В.Ваҳобов, А.Набиев, Р.Р.Ҳасанов, Ш.Қ.Юлдашев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁵.

Инсон омилиниң ишлаб чиқаришда амал қилишининг мұжим жиҳати бўлган аҳолининг иш билан бандлиги масалалари эса,

¹ Карап: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Соц. Экгиз, 1962; Сей Ж.Б. Трактат политической экономии. –М.: Мысль, 1985; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер с англ. –М.: Иностранные литература, 1948; Саймсон Г. Рациональность как процесс и продукт мышления. –М.: THESIS, 1993; Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. –М.: Дело ЛТД, 1992; Уильмсон О. Экономические институты капитализма. –СПб.: Лениздат, 1996; Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. –М.: Дело ЛТД, 1997; Хейне П. Экономический образ мышления. Пер с англ. –М.: изд-во «Новати» при участии "Catallexy", 1991 ва бошқалар.

² Карап: Ильин А.И. Личный фактор общественного производства и проблемы его активизации. –Л.: Ленингр. ун-та, 1991; Критский М.М. Человеческий капитал. –Л.: Ленингр. ун-та, 1991; Мыслеяева И.Н. Человеческий фактор: политэкономический аспект. –М.: Экономика, 1989; Политэкономия (история экономических учений, экономическая теория, мировая экономика); Учебник для вузов. /Под ред. В.Д. Валовой. –М.: ЗАО «Бизнес-школа», «Интел-сингтез», 2000; Орлов А. Развитие зависит от человеческого фактора. // Экономист, 2002, №12 ва бошқалар.

³ Карап: Абдураҳмонов К.Х., Шарифулина Т.А. Экономика и социология труда. Учебное пособие. –М.: изд. РЭА им. Г.В.Плеханова, 2002; Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.:Меҳнат, 1995; Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Молия, 2002; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Биринчи китоб. –Т.:Меҳнат, 2002; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб. –Т.:Шарқ, 2003 ва бошқалар.

⁴ Карап: Абдуганиев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. –Т.:Меҳнат, 1998; Рахимова Д.Н. Управление процессами разлития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. –Т.: ТашТТУ, 2000 ва бошқалар.

⁵ Карап: Алибекова С.Л. Формирование и факторы роста уровня жизни населения Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. –Т., 2003; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. –Т.:Шарқ, 2003; Набиев А. Ўзбекистонда меҳнат мотивацияси шаклланиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. 11-12-сон; Ҳасанов Р. Бозор даромадлари: мөхијати, таркиби тузилиши ва табақаланиши. –Т.:Тошкент молия иш-ти, 2004; Юлдашев Ш.К. Заработка плата в системе материального стимулирования труда в условиях формирования рыночных отношений (на примере Республики Узбекистан). Автореферат дисс. на соиск. уч. степени к.э.н.. –Т., 2004 ва бошқалар.

А.А.Абдуганиев, Л.П.Максакова, М.Мирзакаримова, Б.А.Тогаев, З.Р.Худойбердиев ва бошқалар томонидан урганилган¹. Инсон омилининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, унинг шаклланишида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари С.С.Фуломов томонидан тадқиқ этилган².

Шу билан бирга, иқтисодий адабиётларда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инсон омили амал қилишининг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатлари бир-бири билан узвий боғлиқликда комплекс тарзда, тизимли шаклда үрганилмаёт. Шу боисдан, унинг мазмунини ўтиш даврига тадбикан очиб беринча шаклланиши ва амал қилиши, иқтисодиёт ривожланишидаги ролини фаоллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий йўналишларини яхлит ўзаро боғлиқликда, кенг қамровли тадқиқ этиш зарурати туғилди. Бу эса, ушбу тадқиқот иши мавзусининг долзарблизгини белгилаб берди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига асосан бажарилди. Шунингдек, мазкур ишда айрим йўналишлар, бўлимлар ва масалалар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг 1997-1999 йилларда бажарилган 9.Ф.9.6-рақамли «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш» ва 2000-2002 йилларда бажарилган 8.6-рақамли «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омилларининг иқтисодиётдаги ролини ўстириш муаммолари» мавзуларидаги грантларига (маълумотнома: 07/1-1155, 2004 йил 31.12) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштирувчи марказнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган 2.21-рақамли «Давлатнинг даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммоси» ва 5.46-рақамли «Бошқарув кадрлари тайёрлаш тизими» мавзусидаги грантларига (маълумотнома: 07/1-83, 2005 йил 13 январ) мувофиқ келади.

Тадқиқот мақсади ишлаб чиқаришнинг инсон омилини шаклланиши, амал қилиши ва ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашдаги ўринин илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва

¹ Караг: Абдуганиев А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётидаги меҳнат бозори. - Т:Мехнат, 1999; Максакова Л.П. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. - Т:Брейд-Стайл, 2002; Тогаев Б.Э. Ялти ишчи кучи. унинг тарқиби ва бандларини таъминлашнинг асосий йўналишлари. И.Ф.Н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т, 2004; Худойбердиев З.Р. Бандлик (иктисодий ва сиёсий талқин). - Наманганд: «Наманганд», 2003 ва бошкабар.

² Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. -Т; Шарқ, 2002; Куч билим ва тафаккурда. - Т: УАЖБНТ Маркази, 2002.

уни фаоллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот вазифалари илмий ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- умумижтимоий категория сифатида инсон омилиниңг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий-иктисодий шаклларини очиб бериш;

- бозор иқтисодиёти шароитида инсонниңг иқтисодий хулки түгрисидаги назарий қарашларни ўрганиш ва унинг иқтисодий фаолияти хусусиятларини аниқлаш;

- инсон омилиниңг шаклланиши ва ҳаракат босқичларини, ишчиларниңг ишлаб чиқариш воситалари билан боғлиқ бўлган ўйгунилигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- муқобил бандлик назарияларини ўрганиш асосида ахолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик муаммоларини таҳлил этиш;

- Ўзбекистонда ахолининг иш билан бандлиги ҳолати, тенденцияларини ва муаммоларини ўрганиш;

- инсон омилиниңг миллӣ иқтисодиёт ривожланишига, ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш асосида ишчиларниңг меҳнат ва ижодий фаоллигига тўқсюнлик қилувчи сабабларни аниқлаш;

- иқтисодиётни давлат тасаруфидан чиқариш орқали инсон омилини фаоллаштиришнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги жиҳатларини, шарт-шароитлари яратилишини асослаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўринини таҳлил қилиш ва уни рағбатлантиришни фаоллаштиришга қаратилган амалий тақлифларни ишлаб чиқиши;

- меҳнатта лаёқатли ахолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш ўйларини аниқлаш;

- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши;

- инсон омилини фаоллаштириш мотивациясини кучайтириш мақсадида ахоли даромадлари, шу жумладан, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролини ошириш бўйича амалий тақлифларни ишлаб чиқиши.

Илмий янгилиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқаришда инсон омилиниңг иқтисодий мазмуни, намоён бўлишининг ижтимоий-иктисодий шакллари аниқланганлигига, унинг шаклланиши, амал қилиши ва уни фаоллаштиришнинг устувор йўналишларини асослаш ва тегишли амалий тақлифларни ишлаб чиқилганлигига ўз ифодасини топган.

Тадқиқот жараёнида эришилган илмий янгиликлар янада аникроқ шаклда қуидагиларда намоён бўлади:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида умумижтимоий категория сифатида инсон омилининг иқтисодий мазмуни аниқланган ва унинг ижтимоий-иктисодий шакллари асосланган;
- бозор иқтисодиётида инсон хатти-харакати тўғрисидаги назарий қарааш ва тамойилларни ўрганиш асосида ўтиш даврида инсон иқтисодий фаолиятининг умумий жиҳатлари ва хусусиятлари очиб берилган;
- инсон омилини ташкил этувчи компонентлар асосланган ва уларнинг инсоннинг ақлий-жисмоний қобилияtlари, меҳнатининг мазмуни ва харакети, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари нуқтаи-назаридан таснифланиши ишлаб чиқилган;
- инсон омилининг шаклланиши, амал қилиши босқичлари таҳлил қилиниб, унинг мантиқий таркибий чизмаси таклиф этилган ҳамда ушбу омил ҳаракати босқичларида ахоли, меҳнат ресурси, меҳнат салоҳияти, ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти, меҳнат фаоллиги шаклларида намоён бўлиши асосланган; меҳнат, шу жумладан, ижодий фаолликнинг шаклланиши нуқтаи-назаридан инсон омили компонентлари туркумланган;
- ишчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан уйғунлиги ва ўзаро боғлиқликда амал қилишининг ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техника-иктисодий жиҳатлари ва усуслари аниқланган ҳамда унинг оқибатида, вужудга келаётган ижтимоий-меҳнат муносабатларидағи ўзгаришлар, яъни иш берувчи билан ишчилар ўртасидаги патерналистик меҳнат муносабатларидан ижтимоий шерикчилик муносабатларига ўтиш жараёнлари ва йўллари асосланган;
- меҳнатта лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик тушунчаларига мустақил муаллифлик муносабати ишлаб чиқилган ва уларнинг шакллари мантиқий-таркибий таснифланиши таклиф этилган;
- Ўзбекистонда меҳнатта лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигининг ўтиш даври иқтисодиётига хос хусусиятлари ва тенденциялари аниқланган ва МДҲ мамлакатларидағи тенденцияларга қиёсан таҳлил этилган;
- иқтисодиёт тармоқларида аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик кофициенти динамикаси аниқланиб, МДҲ мамлакатларидағи ўзгаришларга қиёсан таҳлил қилинди;
- ишсизликнинг вужудга келиши сабаблари, иш билан банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий таркиби, иш изловчиларнинг ижтимоий-демографик таркиби ўрганилган;
- инсон омилининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишига, хусусан, унинг иқтисодий самарадорлигига, меҳнат унумдорлигига таъсири тадқиқ этилган. Ижтимоий сўров ўтказиш орқали ишловчиларнинг меҳнат фаоллигига ва унумдорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

- инсон омили компонентларининг мустақил амал қилювчи ижтимоий-иктисодий омиллар сифатида меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлаш методикаси таклиф этилган;

- иктиносидиётни давлат тасарруфидан чиқариш асосида инсон омилини фаоллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий шартшароитлари ва асосий йўналишлари концептуал нуқтаи-назардан асосланган ҳамда ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатларидаги ўзгаришларни жадаллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инсон омили амал қилиши ва фаоллашувининг муҳим шакли сифатида иктиносидиётни ривожлантиришдаги ролининг ўсиб бориши таҳлил этилиб, уни қўллаб-куватлаш бўйича таклифлар берилган;

- аҳолининг иш билан бандлигига инсоний қадриятларга йўналтирилган моделини шакллантиришнинг ижтимоий-иктисодий шароитларини вужудга келтириш ҳамда иктиносидиётни таркибий ўзгариши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ва ишчи кучи бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўллари асосланган;

- Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

- аҳоли даромадлари, шу жумладан, иш ҳақининг инсон омили фаоллигини рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий изланиш жараёнида ишлаб чиқилган фикр-мулоҳазалардан келгусида мазкур мавзуда маҳсус, чуқур амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан, унда ишлаб чиқилган таклифлардан иктиносидиётни, шу жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни янада чуқурлаштириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини ошириш ва ишчи кучи бозорини тартибга солиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш ҳақи тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Иктиносидиёт, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртлари талабалари учун «Иктиносидиёт назарияси» ва «Макроиктиносидиёт» фанларини ўқиттиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва ундаги таклифлар Ўзбекистон қаттиқ қоришималар ва ўтга чидамли металллар комбинатида (маълумотнома 15 с/4-179, 7 май 1994 й; маълумотнома хб/833, 1996й. 14 июн); «Мехр-мурувват йили» давлат дастурини тузишда; ЎзР. Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлигига Иқтисодиёт назариясини ўқитиш концепциясини ишлаб чиқишида (маълумотнома № 89-02-318, 1997 йил 19 май); Ўздавлатмулк кўмитасида (маълумотнома № 03/23-41, 2005 йил 15 феврал); ЎзР Иқтисодиёт (маълумотнома № 5-1-10/6, 2005 йил 28 март), Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (маълумотнома № 02/ 1336, 2005 йил 31 март) вазирликларида фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан ЎзМУ (ТошДУ), ЎзР Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тегишпи иқтисодий фанлар дастурларини ишлаб чиқишида ва уларни ўқитишда фойдаланилган. Тадқиқот иши материалларидан «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари» мавзусида электрон масофавий ўқитиш таълим курси (2002 й.) ва «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида электрон мультимедиа курсини (2003 й.) яратишида фойдаланилган, (маълумотнома 03/1070-сонли 2004 йил 1 декабр) ва улар реализация қилинган, (маълумотнома № 05/122, 2005 йил 27 январ).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишнинг асосий натижалари ва хулосалари 15 дан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий конференция ва семинарларда, хусусан, 1997-2002 йилларда Умумжаҳон банки институти билан биргаликда ўтказилган ижтимоий соҳани ривожлантиришга ва ислоҳ қилишга бағишлиланган семинарларда, 2000-2004 йилларда ўтказилган XIII-XVII «Международные Плехановские чтения» халқаро конференцияларида, 2001-2005 йилларда ўтказилган Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарлари, вилоятлар ҳоким ўринбосарлари ва туман ҳокимлари иштирокидаги семинар-мунозараларда баён этилган.

Диссертация Фаргона давлат университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети илмий муаммовий семинарларида муҳкамадан ўтган ва химояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг нашр қилинганилиги. Илмий ишнинг асосий натижалари 67 номда, 90 б.т.дан ортиқ ҳажмдаги нашр қилинган ишларда, шу жумладан, 15 та монография, китоб ва рисолаларда, 25 та журнал мақолаларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Илмий иш 11 та чизма, 45 та жадвал, 13 та расм (диаграмма) ва 21 та иловани ўзида мужассамлаштирган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Хозирги замон миллий ва хорижий иқтисодий адабиётларда ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти иқтисодий ресурс ёки ишлаб чиқариш омиллари сифатида ўрганилмоқда. Диссертацияда

ушбу омиллардан ер ва капитал моддий-ашёвий, меҳнат ва кишиларнинг тадбиркорлик қобилияти инсон омиллари гурухини ташкил этиши кўрсатилган. Бундай қарашга иқтисодчи олимларнинг билдириган фикр-мулоҳазалари асос қилиб олинган. Масалан, К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюолар ҳам, иқтисодий ресурсларни моддий ва киши ресурслари гурухларига бўлишади. Моддий ресурсларга ер ва капитал, киши ресурсларига меҳнат ресурси ва тадбиркорлик қобилияти киритилган¹. Ўзбек олимлари М.Ш.Шарифхўжаев ва А.А.Ўлмасовлар ер, капитал ресурсларини моддий-ашёвий, меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятини шахсий-инсоний омиллар гурухларига ажратишган². Ишда ҳозирги иқтисодий адабиётларда ресурс, ишлаб чиқариш омили сифатида қўлланилаётган меҳнат ва меҳнат ресурси тушунчаларининг бир-бирларидан фарқланиши кўрсатиб берилган. Бизнингча, меҳнат инсон ва табиат ўртасида содир бўладиган жараён бўлиб, унда инсон табиатга меҳнат воситалари билан таъсир этади ва ундаги нарсаларни ўз истеъмолига мослаштиришга, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида неъматлар ишлаб чиқаришга каратилган онгли, мақсадли фаолият кўрсатади. Меҳнат ресурси эса, иқтисодий категория сифатида ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шароитларига мувофиқ жисмоний, интеллектуал ва тадбиркорлик қобилиятига эта бўлган аҳоли гурухи юзасидан бўладиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Статистик кўрсаткич сифатида ушбу тушунчага меҳнатта лаёкатли аҳолини ва иқтисодиётда банд бўлган давлат томонидан белгиланган меҳнатта лаёкатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги кишилар киради. Чет эл адабиётларида меҳнат ресурслари тушунчасининг синоними сифатида «киши ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчалари қўлланилади.

Бизнингча, ресурс тушунчаси ишлаб чиқариш имкониятини ташкил этиб, бевосита унга жалб қилинганида омилга айланади. Ишлаб чиқаришга тортилмай, фойдаланилмай қолган иқтисодий ресурс резерв ёки захирага айланади. Шундан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқарининг шахс, инсон имкониятини ифодалайди ва унга тортилганда омилга айланади. Ишда инсон омили умумижтимоий тараққиёт нуқтаи-назаридан жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқли бўлиб, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий тараққиётига таъсир этувчи умумижтимоий омил эканлиги далилланган. Иқтисодиёт соҳасида эса, инсон омили ишчи кучига ва тадбиркорлик қобилиятига эта бўлган, шахс сифатида шаклланган бўлиб, иш билан банд бўлган аҳолига нисбатан қўлланилиши мазкур тадқиқот ишида асосланган. Бизнингча, иқтисодиётда категория

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политики. В 2 т. пер. с англ. 11-изд. Т. 1. – М.: Республика, 1992. – С.37.

² Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси Т.: Мехнат, 1995. 36-бет; Ўлмасов А Иқтисодиёт асослари. Ўкув қўлланма-Т.: Мехнат, 1997 10-6.

сифатида инсон омили тушунчаси кишилар ўртасида ишчи кучи ва табдиркорлик қобилияларидан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш ва уларни такрор ишлаб чиқариш юзасидан бўладиган ижтимоий-иктисодий муносабатларни ифодалайди.

Тадқиқот ишида ишловчи одам ишлаб чиқаришнинг инсон омили сифатида иктисодий одамни ифодалалиши кўрсатиб берилган. Инсоннинг бозор иктисодиёти шароитидаги хатти-ҳаракати тўғрисидаги турли назариялар таҳлил қилинган. Ияглиз мумтоз сиёсий иктиносидан асосчиларидан бўлган Адам Смитнинг «иктисодий одам» концепциясига кўра, у ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ахволини яхшилашга муттасил интилади, фақатгина «кўзга кўринмас кўл», яъни эркин рақобат, бозор қонунларигина турли эгоистик мақсадларни кўзлаб фаолият юритувчи кишиларни тартибга солинган тизимга бирлаштиради¹. Ж.Бентамнинг инсон табиати тамойилига кўра, инсон ҳаракати универсаллиги, гедонизмга мойиллиги, яъни барча меънат мотивларининг фаровонликка эришишга йўналтирилганлиги, кишининг ҳисобли рационализмга, режалаштириш қобилиятига эгалиги асосланган².

Маржиналистлар «оптиматизатор инсон» концепциясини яратиб, инсоннинг кўпроқ наф ёки фойда олишга ва камроқ харажат қилиш, қийинчилликларни камайтириш учун мақсадларни амалта ошириш воситалари билан таққослаш ҳамда уларнинг оптималь вариантини танлаш қобилиятига эгалиги ва ташки шароитларга мослашувчанлигини асослайдилар³. Д.Норт, П.Хейне, Г.Саймсон, О.Уильмсонлар инсоннинг рационал фаолият юритиши унинг рақобат курашида голиб бўлишига замин яратишини асослайдилар⁴. Уларнинг қарашларига биноан, инсоннинг хатти-ҳаракати мураккаб бўлиб, шахсий нафлийкни максималлаштириш, моддий неъмат ва пул даромадлари олишга интилиш билан чекланмайди. Ушбу мақсад ва интилишлар билан бир қаторда психологик тавсифдаги хусусиятлар, одат, анъянага риоя қилиш, диний, маънавий хусусиятлар, жамоатчиликда юксак обрўга ва мавқега эга бўлиш каби рагбатлар инсоннинг хатти-ҳаракатига, танловига таъсир кўрсатади⁵.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришда инсон омилидан кенг фойдаланишга қаратилган

¹ Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэксиз. 1962. – С.330-335.

² Экономическая теория: Учебник для студентов высших учеб. завед. //Колл. авт. К.Х.Абдурахманов и др. / -Т.: Шарқ, 1999. – С.163-164.

³ Ўша ерда.

⁴ Қаранг: Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирования экономики.- М: Дело ЛТД, 1997. С.37; Хейне П. Экономический образ мышления. Пер с англ. М.: Изд Новати, 1991. С.444; Саймсон Т. Рациональность как процесс и продукт мышления. М.: THESIS, 1993. Т.1. Вып 3. С.17; Уильмсон О. Экономические институты капитализма.- СПб: Лениздат, 1996. С.96 и др.

⁵ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Дело ЛТД, 1997. С.37.

«инсоний муносабатлар», «мехнатни инсонийлаштириш», «мехнат ҳаётининг сифати» каби назариялар ривожланди. Уларга кўра, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник янгиликлар ишловчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, меҳнат мазмунини ўзгартиришга йўналтирилиши лозим. Шунингдек, уларда инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш, унинг ўз фаолиятидан ижтимоий мамнунлигини таъминлаш орқали юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мумкинлиги асосланган¹.

Ривожланган мамлакатларда меҳнат жараёнини инсонийлаштиришга эътибор кучайганлиги, иш берувчи билан ёлланма ишчи, ходимлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик (бирдамлик) муносабатларининг шаклланганлиги, инсон омилидан кенг фойдаланилаётганлиги учун юқори ижтимоий-иктисодий тараккӣётга ва аҳоли турмуш даражасига эришилган. Шу боисдан, 1913 йилда дунё аҳолисининг энг бой мамлакатларида истиқомат қиласидаги бешдан бир қисмига тегишли бойлик билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбат 11:1 ни ташкил этган бўлса, 1960 йилда 30:1 ни, 1990 йилда 60:1 га, 1997 йилда 74:1 нисбатта ўёди².


Жумладан, Японияда корхона раҳбари ва ишчи (хизматчи)лар ўртасида «Оябун-Кобун», яъни ота-бала, яқин қариндошларнига ўхшаш бирдамлик ва ҳамкорлик муносабатлари тизими шаклланган. Бу тизим халқнинг анъанавий меҳнатсеварлик, интизомлилик, гурухий бирдамлик, тежамкорлик, пухталик ва орасталик каби хусусиятларига таянади. Унга кўра, корхона ўз ходимлари ва уларнинг оиласаларига ғамхўрлик қиласиди. Бунга жавобан ходимлар қобилият, лаёкат, билим, малака ва маҳоратларини тўлиқ ишга солиб, юқори меҳнат унумдорлигига ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга интиладилар³. Шу боисдан ҳам, Япония юқори ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасига эришмоқда. Тадқиқот ишида инсон омилиниң компонентлардан, яъни уни ташкил этувчи қобилият, хусусиятлардан ташкил топганлиги асосланган. Уларнинг таснифланишшини ишлаб чиқишида ишловчи (ходим)га табиатнинг неъмати, биологик жонзот ҳамда ишлаб чиқариш, ижтимоий, сиёсий, маънавий муносабатлар субъекти ва асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида ёндашиб лозим. Ушбу ёндашиб асосида инсон омили компонентлари ишловчи (ходим)нинг ақлий-жисмоний қобилиятлари ва кучлари, меҳнат мазмуни ва характеристикнинг ўзгаришига, шунингдек, жамият ва давлат курилиши муносабатларига боғлиқлиги нуқтаи-назаридан тўрт туругҳа бўлинади (қаранг: 1-чизма).

¹ Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти). Дарслик. – Т.: Меҳнат, 2004. – 125-126-б.

² Инсон тараккӣёт тўғрисида маъруза. Ўзбекистон. 2000 йил. –Т., 2001. –7-8-6.

³ Умурзоков Б., Раҳимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет -Т.: Ўзбекистон, 2005.- 30-31-6.

Инсон омилли қобилиялари, хусусиятлари (компонентлари) таснифланиши¹



¹ Муаллиф томонидан тузиланган. Карапт: Абулқосимов Ҳ.П. Проблемы формирования, функционирования и активизация личного фактора общественного производства в условиях перехода к рыночной экономики. Т.: Университет, 1999. -С.17.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омили ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган ишловчи одамнинг қуидаги ижтимоий-иқтисодий шаклларида намоён бўлади:

- якка, индивидуал тадбиркор. Унга хусусий тадбиркор, дехкон, фермер, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар киради;

- жамоавий тадбиркор, яъни шерикчилик асосида фаолият юритувчи, аралаш, қўшма тадбиркорлик субъектлари;

- бошқарувчи, менежер;

- оиласвий (жамоавий) пудратда бош пудратчи;

- ёлланма ишчи, ходим, хизматчи;

- мулкий улуш, пай, акция этаси бўлган ишчи, ходим, хизматчи;

- меҳнат жамоаси.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришда инсон омилининг харакат ресурслари, шаклланиш, потенциал имкониятлари ва салохиятининг вужудга келиши, ишлаб чиқариш воситалари билан уйғунликда иш билан банд бўлиши ҳамда амал қилиши жараёнлари сингари босқичларни босиб ўтади.

Бу босқичларда инсон омили аҳоли, оила, меҳнат ресурслари, меҳнат салоҳияти, тадбиркорлик қобилияти, ишчи кучи сифати, кишиларнинг меҳнат фаоллиги шаклларида намоён бўлади. Инсон омили ва капиталининг шаклланишида оила муҳим роль ўйнайди. Оила инсон ва унинг капиталини ишлаб чиқариш учун қулай турмуш шароитларини яратиш ва уни ишлаб чиқариш, яъни фарзанд кўриш, уни ижтимоийлаштириш, рекреацион ҳамда инсон омили ва капиталини рӯёбга чиқариш, яъни иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда омил сифатида иштирок этиш каби вазифаларни бажаради.

Ишда киши меҳнат фаолиятининг функционал таркиби мақсадни белгилаш, ҳаракат воситаси ва усусларини ҳамда уни бажариш интенсивлиги ва сифатини танлаш, бевосита иш бажариш ва унинг натижасини баҳолашни ўз ичига олиши кўрсатилган. Инсоннинг меҳнат фаолияти режалаштирилган, реал, амалий; ижтимоий-детерминаллашган, яъни эркин ва маъмурий-детерминал-лашган, яъни маъмурий жиҳатдан белгиланган, зарурий, табиий, ҳодисавий, фавқулодда; меъёрий ёки ўзгарувчан, мослашувчан, яратувчилик ёки бузгунчилик шакллари мавжуд.


Инсоннинг меҳнат фаолиятини юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда асосан икки турга, яъни ижрочилик ва фаоллик сифатида тавсифлаш мумкин. Шунинг учун, инсон омили компонентлари шахснинг меҳнат фаоллигини шакллантириш ҳамда уни оширишга таъсир этувчи омилларни ташкил этиш нуқтаи-назаридан туркумланган (қаранг: 2-чиизма).

Меҳнат фаоллиги инсоннинг жонлантирилган, кучайтирилган, гайратли, ташаббускорликка асосланган фаолияти бўлиб, меҳнат нормасини ва топширигини онгли равиша, ортиғи билан бажашибга

интилиш, ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш, иш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, интизомни кучайтириш, ўз билими ва касб-малакасини оширишда намоён бўлади.

2-чизма

Меҳнат фаоллигининг намоён бўлини шакллари ва омиллари¹



Ижодий фаоллик эса, ташаббускорлик, техник ижодкорлик ҳамда ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишда ўз ифодасини топади. Меҳнат фаоллигини оширишга моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат шароити, онглилик, ватанпарварлик, маданиятлилик ва меҳнатдан қоникиш хисси таъсир этади. Кишиларнинг меҳнат фаоллиги уч методологик ёндашувга асосланади, яъни қадрият, эҳтиёж, фаоллик. Бу унинг қуввати ва имкониятларини сарфлаш, унинг ижтимоий аҳамиятли, мазмунли меҳнатта бўлган эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралади. Бунда ишловчининг фаоллиги мулкни тасарруf этипига ёки мулкда маълум улушга, ёки ишлаб чиқаришининг пировард натижасига боғлиқ иш ҳақига эга бўлишига қаратилган бўлади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган. Карагн: Абулкасимов Х.П. Проблемы формирования, функционирования и активизации личного фактора общественного производства в условиях переходной экономики. Т:Университет. 1999. С.39.

Таркибий - функционал методологик ёндашувга кўра, меҳнат фаоллиги хўжалик субъекти таркибий тузилишининг ва иқтисодий вазифаларининг ўзгариши нуқтаи-назаридан ўрганилади. Бу эса, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида мулкчиликнинг хилма-хил шаклларининг ҳамда тадбиркорликнинг ривожланиш, корхоналар мустақиллигининг кенгайиши таъсирида хўжалик субъектлари, ишловчилар функцияларининг кенгайиб, ўзгариб боришида ўз ифодасини топади.

Меҳнат фаоллигига кўп қиррали-меъёrlи ёндашув бўлиб, ҳар бир хўжалик субъектининг кучли рақобат кураши шароитида ўзи учун хўжалик юритиш мухитини, фаолият турини, бизнес ва маркетинг режалари, дастурлари, иқтисодий меъёrlар асосида амалга оширишлари зарурлигини англаатади.

Ишловчилар билан ишлаб чиқариш воситаларининг, комбинациялашуви ва уйғунлашиши меҳнат жараёнини вужудга келтиради. Инсон ва моддий-ашёвий омиллар уйғунлашиши ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг мухим шарти хисобланади.

Ишда ишлаб чиқариш омилларининг техник-ташкилий жиҳатдан қўшилиши оқибатида меҳнат ва бевосита ишлаб чиқариш усуслари вужудга келиши асосланган. Меҳнат усули бевосита меҳнат жараёнидаги ишловчи ва ишлаб чиқариш воситалари ўртасида технологик функциялар тақсимланишини ҳамда уларнинг боғлиқликда амал қилиши жараёнидаги ишловчининг технологик ўрнини, унинг ихтисослашувини ифодалайди. Бевосита ишлаб чиқариш усули инсон ва моддий-ашёвий омиллар уйғунлигининг кейинги бўғини бўлиб, ушбу жиҳатлар технологик ва ижтимоий шароитларни тавсифлайди. Бу тушунча ишловчилар ўртасидаги техник-иқтисодий алоқаларнинг, бевосита ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келганлитигини, технологик ишлаб чиқариш усулини ифодалайди. Ишлаб чиқариш усуслари иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичларида қўл меҳнатига асосланган, яъни дехқончилик, хунармандчилик, саноат, шу жумладан, машинасозлик, автоматик механизациялаш ва бошқа ишлаб чиқариш усуслари кўринишида амал қиласди.

Ишлаб чиқариш омиллари қўшилишининг ташкилий-иқтисодий жиҳати хунармандчилик устахонаси, мануфактура, корхона (фирма), дехқон ва фермер хўжаликлари, корпорациялар вужудга келишида намоён бўлади.

Инсон омили билан ишлаб чиқариш воситалари ўртасидаги мувофиқликни ва мутаносиблигни таъминлаш мухим аҳамиятта эга. Кишиларнинг билими, касб-малака даражаси ва маҳорати ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техника ва технологиянинг ривожланиш даражасига мувофиқ ва мутаносиб бўлиши зарур. Ишловчининг билими, касб-малака даражаси ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражасидан орқада қолганда ёки аксинча ҳолат юз берганда, шунингдек, меҳнатнинг мазмуни ходимларнинг ижтимоий талаб-эҳтиёjlаридан ортда қолганда ҳамда ишлаб чиқаришнинг

ташкилий-хўжалик шакли, хўжалик юритиш усуллари, рафбатлантириш тизими ишловчиларни унумли меҳнатга ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга рафбатлантира олмаган ҳолларда, улар ўртасида номутаносиблик вужудга келади.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг негизини уларнинг ташкилий-техникавий ва ташкилий-иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўшилипни ташкил этади. Жамият, хўжалик субъектлари инсоннинг билими, касб-малака даражасини, техника ва технологияни ривожлантириш, хўжалик юритиш шакллари ва усулларини такомиллаштириб бориш орқали ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга муентазам равишда интилиб боради.

Тадқиқот ишида ишловчи ходимни меҳнат жараёнига жалб қилиш, инсон омилининг амал қилишининг муҳим шарти ва намоён бўлиш шакли сифатида меҳнатта лаёкатли аҳолининг иш билан бандлиги муаммолари тадқиқ этилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиш жараёnlари, чуқур таркибий ўзгаришлар ҳамда демографик ҳолатлар меҳнатга лаёкатли аҳоли иш билан бандлигига янги тенденцияларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатди.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари пасайиб, меҳнат ресурслари ва меҳнатта лаёкатли аҳоли сони ўсиб бормоқда. Масалан, таҳлилларимизга кўра, 1991-1995 йилларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,1 %дан 1996-2003 йилларда 1,5 %га пасайди. Шу боисдан, 1996-2003 йилларда аҳоли сони 11,3 %га ўғсани ҳолда, меҳнат ресурслари сони 22,8 %га, меҳнатта лаёкатли аҳоли сони эса, 23,5 %га ўғди. 1991-2003 йилларда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 16,2 %га ўғди.

Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга эришилганлик оқибатида 1996-2003 йилларда 1,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Иш билан банд аҳоли сони 1,1 миллион кишига, яъни 13,5 %га ўғди (қаранг: 1-жадвал).

Аммо ўтиш даври қийинчилклари ҳамда меҳнатта лаёкатли аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг юқори суръатлар билан ўғсанлиги учун 1991-2003 йилларда иш билан банд бўлганларнинг аҳоли умумий сонидаги улуши 38,9 %дан 37,5 %га, меҳнатта лаёкатли аҳолининг иш билан бандлик даражаси 80,7 %дан 70,8 %га, яъни 10 пунктга камайди. Таҳлилларимизнинг далолат беришича, бундай пасайиш ўтиш даврини ўз бошида кечираётган Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида ҳам содир бўлмоқда. Масалан, иш билан банд кишиларнинг 15-59 ёшдаги аҳоли сонидаги улуши 1990-2001 йилларда Чехияда 85,7 %дан 70,7 %га, Венгрияда 82,9 %дан 60,0 %га, Эстонияда 86,9 %дан 69,3 %га, Россияда 83,4 %дан 70,0 %га, Озарбайжонда 87,5 %дан 74,6 %га, Қозогистонда 81,4 %дан 72,8 %га,

Киргизистонда 73,1 %дан 62,6 %га, Тожикистанда 72,3 %дан 54,6 %га камайды¹.

1-жадвал

Ўзбекистонда ахоли, мөннат ресурсларининг ўсиш динамикаси ва иш билан бандлик²

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2003	2003 йилда 1991 йилга нисбатан, %	2003 йилда 1995 йилга нисбатан, %
Доимий аҳолининг ўртача йиллик сони, (минг киши)	21207,0	22977,7	24657,5	25564,7	120,5	111,3
Мөннат ресурсларининг сони, (минг киши)	10213,2	11066,2	12594,0	13597,0	133,1	122,8
Аҳолининг умумий сонидаги улушки, %	49,3	48,2	51,1	53,2	-	-
Мөннатта лаёқатли аҳоли сони, (минг киши)	10019,9	10820,3	12450,5	13369,2	133,4	123,5
Аҳолининг умумий сонидаги улушки, %	47,4	47,1	50,5	52,3	-	-
Мөннат ресурсларидаги улушки, %	98,3	98,3	98,8	98,3	-	-
Иш билан расмий банд бўлган аҳоли, (минг киши)	8254,6	8449,2	9018,4	9589,0	116,2	113,5
Аҳолининг умумий сонидаги улушки, %	38,9	36,8	36,6	37,5	-	-
Мөннат ресурсларининг иш билан бандлик дарражаси, %	80,8	76,3	71,6	70,5	-	-
Иш билан банд бўлган мөннатта лаёқатли аҳоли сони, (минг киши)	8095,8	8203,3	8874,9	9471,5	116,9	115,5
Мөннатта лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик дарражаси, %	80,7	75,8	71,3	70,8	-	-

Шуни айтиш жоизки, расмий иш билан банд бўлмаган мөннатта лаёқатли аҳоли сони ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Мөннат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилип вазирлиги маълумотларига кўра, 2004 йил 1 январи ҳолати бўйича иқтисодиётнинг порасмий секторида банд бўлганларнинг 26,2% вақтингчалик, бир марталик, мавсумий ишларни бажарувчилардир,

¹ Социальный мониторинг 2003. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал ЮНИСЕФ. – С.103.

² Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992. Стат. Ежегодник. Т.1. –Т., 1993. С.40-41; Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Кискача стат. Тўплам. Т., 2001, 59-б.; Стат. ежегодник регионов Узбекистана, 2002. Стат. сборник. Т., 2003. С 10, 12 , 16; Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистика ахборотномаси. –Т., 2004. 118-б; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

32,7% тадбиркорларга меҳнат шартномаларини расмийлаштирилсанда ёрдамлашаётган оила аъзолари ва бошқа ёрдамчилардир, 34,8%дан ортиғи патент олмасдан ишловчи ишбилиармен, тадбиркорлар бўлиб, уларнинг таркибига хунармандчилик, аҳолига майший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилар ҳам киради, 6,3%ни эса, ишлаш учун республикадан ташқарига чиқиб кетганилар ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар ва норасмий иш билан бандлар сонининг ўсишига демографик ўзгаришлар омилидан ташқари, ижтимоий-иктисодий тавсифдаги сабаблар ҳам таъсири кўрсатмоқда. Биринчидан, яратилаётган иш жойларининг ўсиш суръати меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиш суръатидан орқада қолмоқда. Шунингдек, уларнинг маълум қисми анча арzon бўлиб, ишловчиларга етарли даражада меҳнат ҳақларини олишни таъминламайди. Шу боисдан, улар бўш туради. Иккинчидан, расмий иктисодиёт секторида иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли пасайиб бормоқда. Учинчидан, меҳнатта лаёқатли аҳоли ўзини-ўзи иш билан таъминлашга қодир эмас. Чунки, бунинг учун хукуқий, ижтимоий-иктисодий механизмлар етарли даражада ривожланмаган. Тўртингчидан, патентсиз тадбиркорлик билан шуғулланувчиларни расмий тадбиркорларга айлантириш механизми шаклланмаган. Бунга яна солиқ юкининг оғирлиги туфайли, уни тўлашдан кочиш ҳам сабаб бўлмоқда. Бешинчидан, тадбиркорларга ёрдам берадиган оила аъзолари ҳамда бошқа кўмакчилар билан меҳнат шартномаларини расмийлаштиришнинг ижтимоий-иктисодий афзалликларини тушунмаслик ҳам бунга таъсири кўрсатмоқда. Олтинчидан, ишчи кучининг ички ва ташқи миграциясини тартибга солишнинг хукуқий базаси яратилмаганлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Бизнинг таҳлилларимиз далолат беришича, иктисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар таъсирида ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида иш билан банд аҳолининг тармоқ таркибида ҳам, ўзгаришлар юз бермоқда. Уларнинг саноатдаги улуши 1991-2004 йилларда 14,3 %дан 12,9 %га, қишлоқ хўжалигидаги улуши 42 %дан 30,9 %га камайгани ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаларидағи улуши 35,5 %дан 48,1%гача ўси¹. Бундай тенденция бошқа МДҲ мамлакатларида ҳам юз бермоқда. Саноатда иш билан банд аҳолининг унинг умумий сонидаги улуши Беларусда 27,3 %, Россияда 22,7 %ни ташкил этади. Қишлоқ ва ўрмон хўжалигига банд ишловчилар улуши мос равишда 12,8 % ва 12,3 %ни ташкил этган. Қозогистонда аҳоли иш билан бандлигининг тармоқ таркиби Ўзбекистондаги шундай кўрсаткичларга ўхшашибди.

¹ 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳалқ хўжалиги (народное хозяйство РУз. в 1993г.). – Т.:Мехнат, 1995. 42-б.; Статистический ежегодник регионов Узбекистана, 2002 Т., 2003. -С.18-20.; Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2003. Стат. сборник Т., 2004 С.56; Ўзбекистон иктисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил Т., 2005. 87-б. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Тожикистон, Озарбайжон, Киргизистонда ва Молдовада саноатда иш билан банд бўлганлар улуши анча паст даражада, қишлоқ хўжалигида эса, бошқа республикалардагига нисбатан юқори даражададир¹. Бу ҳол собиқ иттифоқ республикаларида иқтисодий номутаносибликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибининг ўзгариши кишиларнинг даромади кам соҳадан юқори даромадли соҳаларга ўтишини англатади. Тармоқнинг даромадлилиги унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкининг ундаги иш билан банд ишловчиларнинг улушкига нисбати билан белгиланадиган ушбу тармоқдаги аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффициенти орқали ифодаланади². Агар ушбу кўрсаткич 1дан юқори бўлса, аҳолининг иш билан самарали бандлигини кўрсатади. Аксинча бўлса, аҳолининг кам даромадли тармоқларда бандлигини, бу соҳада ишловчилардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигини ва рационал эмаслигидан ҳамда унда ортиқча ходимларнинг мавжудлигидан далолат беради (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида аҳолининг иш билан бандлигининг даромадлилик коэффициентининг ўзгариши³

Тармоқлар	1991	1995	2000	2003	2004
Саноат	1,77	1,38	1,12	1,17	1,32
Қишлоқ хўжалиги	0,88	0,64	0,87	0,91	0,86
Курилиш	1,27	1,18	0,81	0,57	0,56
Хизмат кўрсатиш соҳаси	0,73	0,91	0,82	0,80	0,78

Бизнинг таҳлилларимиз далолат беришча, саноатда мазкур коэффициентнинг 2000 йилга қадар пасайиб бориб, сунгра кўтарилишига тармоқнинг ЯИМдаги улушкининг 1991 йилдаги 25,4 %дан 2000 йилда 13,8 %тacha пасайиб, 2003 йилда 15,0% га, 2004 йилда 17,1%га кўтарилиши сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ширкатларга, уларнинг эса, фермер хўжаликлариға айлантирилиши ҳамда соҳадаги таркибий ўзгаришлар туфайли, иш билан бандлар сонининг камайиши сабабли, 1996 йилдан бошлаб, даромадлилик коэффициенти ўсиб

¹ Статеборник Статкомитета СНГ за 2002г. -М., 2003. -С.120.

² Кузьмин А.С. Эффективная занятость населения. -М.: Экономика, 1990.-С.32.

³ Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992. Стат. ежегодник. Т.1. -Т.,1993.-С.19,42. ; Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишинг асосий кўрсаткичлари кисқача стат.тўплам. -Т., 2001. 11-12-б.; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002. -С.8-9,76; Там же за 2003г Т., 2004. С.5; Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарқ 2004 йил. - Т., 2005. - 15, 87-б; ЎзР. Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

бормоқда. Аммо бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида ҳамон ортиқча, унумсиз, кам даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шугулланаётганлар, яширин ишсизликнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, республикада ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг 1991 йилдаги 25,9 %дан 2003 йилда 38,3 %га, 2004 йилда 37,6%га ўстганилиги туфайли, мазкур кўрсаткич барқарорлашди.

МДХ мамлакатларида ялпи қўшилган қийматдаги тармоқлар улушкининг аҳоли иш билан бандлигининг тармоқ таркибига нисбати орқали биз томондан ҳисобланган мазкур коэффициент 2002 йилда саноатда 1дан юқори бўлган. Саноати ривожланган Беларус, Россия, Украина, Молдовада бу кўрсаткич 1,1 дан 1,8 гачани ташкил этани ҳолда, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Озарбайжонда 2,72дан 5,5бечани ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 1дан пастdir, чунки барча МДХ мамлакатларида бу соҳада ортиқча, унумсиз иш билан бандлик мавжудdir. Айниқса, Қозогистон, Озарбайжон, Молдова, Тоҷикистонда бу кўрсаткич 0,50 дан ҳам паст даражададир¹.

Ўзбекистонда расмий ишчи кучи бозори ва меҳнат биржалари тизими шаклланмоқда. 2003 йилда 1993 йилга нисбатан иш қидириувчи сифатида меҳнат биржаларига мурожаат қилганлар сони 11,5 баробарга, уларнинг иш билан банд бўлмаган меҳнатта лаёқатли аҳоли сонидаги улуши 1,7 %дан 10,8 %га ўсди. Расман ишсиз мақомини олганлар сони эса, 3 баробарга, пул тўланадиган жамоат ишларига юборилганлар сони 19,2 баробарга, ўқишига ва қайта ўқитишга юборилганлар сони 11,1 баробарга кўпайди.

Иш қидириёттандарнинг ижтимоий-демографик таркибини таҳдил этиши уларнинг умумий сонида аёллар, 18 ёшгача бўлганлар ҳамда пенсия арафасидаги, пенсия ва ундан катта ёшдагилар улушкининг камайиб бораёттандилигини кўрсатмоқда. Уларнинг маълумот бўйича таркибида 1994-2003 йилларда олий ва ўрта маҳсус маълумотлилар улуши 22,9 %дан 33 %га ўсгани ҳолда, умумий ўрта маълумотлиларнинг салмоғи 62,6 %дан 57,6 %га, тўлиқиз ўрта маълумотлилар улуши эса, 14,4 %дан 9,4 %га камайган². Бу ҳол кишиларнинг маълумот даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг ишсиз қолиш эҳтимоли шунчалик камроқ эканлигидан далолат беради.

Аммо иккисодиётдаги таркибий ўзгаришлар туфайли, маълум турдаги ихтисосликларга талаб камайганлиги учун олий ва ўрта маҳсус маълумотлиларнинг иш қидириёттандар умумий сонидаги улуши ўсиб бормоқда. Шунингдек, иш қидириёттандар сонида ишчиларнинг салмоғи 43,6 %дан 42,9 %га камайтани ҳолда, мутахассис ва хизматчилар улуши 21,9 %дан 22,2 %га, касбга эга

¹ Стат комитет СНГ за 2002г. М,2003. С 30,121 маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

бўлмаганлар улуши эса, 34,2 %дан 34,9 %га ўси¹. Ишга жойлаштирилганлар таркиби ҳам шунга ўхшашиб. Эндиликда юқори билимли, касб-малакали ишчи, хизматчиларга ва мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Тадқиқот ишида инсон омилиниң иқтисодий тараққиёти, шу жумладан, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги билан ўзаро таъсири ўрганилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилган макроиктисодий барқарорлаштирипп сиёсати туфайли, 1992-1995 йилларда ЯИМ ишлаб чиқарипнинг камайиши энг кам бўлиб, 1996 йилдан эътиборан иқтисодий ўсиш юз бера бошлади. 2001 йилда эса, МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, 1991 йилги даражадан 103,1 %га, 2003 йилда эса 111,4 %га ошиб кетди. Шунинг учун, инсон потенциали тараққиёти индекси (ИПТИ) 1993 йилдаги 0,676 дан 2002 йилда 0,709 га ўси².

Инсон омилиниң иқтисодий тараққиётта таъсирини ифодаловчи муҳим кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг қиёсий баҳоларда ўсиш (пасайиши) суръатларининг аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатларига нисбати орқали биз томондан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи 1991-1995 йилларда 20 %дан ортиққа пасайиб кеттан эди. Аммо 1996-2003 йилларда бу кўрсаткич 16,4 %га, 2001-2003 йилларда эса, 5,7 %га ўси (қаранг: 3-жадвал). Ушбу усулда ҳисобланган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи саноатда 2003 йилда 1991 йилга нисбатан 43,4 %га, кишлоқ ҳўжалигига эса, 36,1 %га ўси. Кейинги даврда кишлоқ ҳўжалигига иш билан бандлар сонининг камайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши туфайли, ушбу кўрсаткич саноатдагига нисбатан юқори суръатда ўси.

Бизнинг таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ЯИМнинг қўшимча ўсишини таъминлашда экстенсив омил, яъни иш билан банд аҳоли сони ўсишининг улуши 1996 йилдаги 77,8%дан 2003 йилда 62,3%га камайди. Интенсив омил, яъни меҳнат унумдорлигининг улуши шунга мос равишда 28,1%дан 37,1%га ўси. Моддий харажатларни тежаш улуши эса, 5,9%дан 0,6%га ўси³. Бу маълумотлар ЯИМнинг қўшимча ўсишига ҳамон экстенсив омил таъсири юқори эканлигидан далолат беради.

Ишда инсон омилиниң меҳнат унумдорлигига, ижтимоий-иктисодий ривожланишта кишиларнинг меҳнат ва ижодий фаоллигини таинкил этувчи компонентлари орқали таъсир кўрсатиши асосланган.

¹ ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

² Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 2000.-Т. 2001. 11-б. Умумжаҳон банки институти маълумотлари.

³ ЎзР Иктиносидеят вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

3-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида, саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги динамикаси, (% хисобида, қиёсий баҳоларда¹)

Кўрсаткичлар	ЯИМ (иктисодиёт)	Саноат	Кишлоқ хўжалиги
1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	111,4	150,8	119,2
1995 йил 1991 йилга висбатан	81,5	98,3	89,8
2003 йил 1995 йилга нисбатан	132,1	153,4	128,8
2003 йил 2000 йилга нисбатан	112,8	122,8	116,5
2. Аҳоли иш билан бандлигидаги ўзгаришлар			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	116,2	103,7	87,6
1995 йил 1991 йилга нисбатан	102,3	92,7	100,4
2003 йил 1995 йилга нисбатан	113,5	111,9	87,3
2003 йил 2000 йилга нисбатан	106,7	106,8	98,3
3. Меҳнат унумдорлиги (1к: 2к)			
2003 йил 1991 йилга нисбатан шу жумладан:	95,8	145,4	136,1
1995 йил 1991 йилга нисбатан	79,7	106,0	89,4
2003 йил 1995 йилга нисбатан	116,4	137,1	145,2
2003 йил 2000 йилга нисбатан	105,7	114,9	118,5

Бунда ишловчиларнинг билими ва касб-малака даражалари, меҳнат интизоми, техник ижодкорлиги, шу жумладан, ихтирочилик фаoliyatiining ишлаб чиқариш самарадорлигини, шу жумладан, меҳнат унумдорлигини оширишдаги роли таҳлил қилинган. Бунинг натижасида қўйидагилар аниqlанди:

- ишлаб чиқаришнинг техник ва ишловчиларнинг касб-малака даражалари нисбатан паст бўлиб, улар ўртасида номувофиқлик мавжуддир. Бу ҳол юқори малакали кадрларнинг етишмаслигига ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликда ҳам намоён бўлмокда;

- меҳнат интизоми бузилиши сабабли, бир ишчига тўғри келадиган иш вақтининг йўқотилиши ўтиш даврининг дастлабки босқичида кескин ўсиб, иқтисодий ўсишга эришилгандан сўнг, камайиб борди. Сабабсиз ишга келмаслик туфайли, иш вақти йўқотишлари энг кам улушни ташкил этгани ҳолда, маъмуриятнинг рухсати билан ишга келмаслик ва тўлиқ иш куни ва смена ички йўқотишлари улуси юқоридир. Бу ҳол хомашё, материаллар, асбоб-ускуналарни етказиб бермаслик, уларнинг бузилиши оқибатида ҳамда корхоналарда ишлаб чиқарип ҳажмларининг кескин камайиб, маъмурият томонидан ходимларни ҳақ

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси мальумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

тўланмайдиган таътилга чиқариш ва ишдан рухсат бериш амалиётини кўллаш билан изоҳланади;

- меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилиши хўжалик субъектларининг ўзаро тўлов, шартномавий интизомларининг ёмонлашуви оқибатида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайиб боришида ҳам намоён бўлмоқда;

- бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликлари туфайли, техник ихтирочилик кўрсаткичлари кескин пасайиб, иқтисодий ўсишга эрипилгандан сўнг, ўсиб бормоқда. Эҳтимол тутилган ихтиrolар учун аризаларнинг 78,8% миллий ва 21,2% хорижлик ихтирочиilar томонидан берилган. Уларнинг 58,4%гина рўйхатга олинниб, қолганлари қайтарилиган. Фойдали моделлар учун берилган аризаларнинг 69,8% рўйхатта олинниб, патент берилган. Саноат намуналари учун берилган аризаларнинг 81,2%га патентлар олинган. Интеллектуал мулк объектлари бўйича 1998-2002 йилларда рўйхатта олинган шартномаларнинг 26,5% ихтиrolар, 0,8% фойдали моделлар, 5,7% саноат намуналари, 64,7% товар белгилари бўйича тузилган¹;

- техник ижодкорлик фаолиятидаги муҳим муаммолар кейинга қолдирилган ва кўриб чиқилмаган ихтиро ва рацонализаторлик таклифи сонининг кўплиги ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларининг узоқлиги, шунингдек, техник ижодкорликни рағбатлантириш ва уларга кўмаклашиш механизмининг етарли даражада ривожланмаганилиги билан боғлиқдир.

Инсон омилини фаоллаштиришга тўқсиялилк қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналарида биз томондан ўтказилган сўров натижаларига кўра, «Сизга ишпингизда нима ёқмайди?», деган саволга суралганларнинг 33,5% иш ҳақининг камлиги, 24,3% асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, 11,3% корхона фойдасидан улуш олмасликлари, яъни фойданинг тақсимланишида иштирок этмаслик, 8,8% меҳнат шароитининг ёмонлиги, 7,12% малакасини ошириш имкониятининг йўқлиги, 5,4% меҳнатнинг яхши ташкил этилмаганилиги, 2,1% раҳбарлар билан келиша олмаслик, 1,2% корхонани бошқарища иштирок этмаслик, деб жавоб бердилар. «Сизнинг меҳнат унумдорлигингизни ошириш учун нима қилиш керак?», деган саволга респондентларнинг 41,4% иш ҳақини ошириш, 15,5% меҳнат шароитларини яхшилаш, 13,4% корхона фойдасида ўз улушкига эга бўлиш, 11,8% техника ва технологияни таомиллаштириш, 11,8% малакасини ошириш, 5,7% корхона мулкида ўз улушкига эга бўлиш, 4,9% меҳнатни ташкил этишини таомиллаштириш лозим, деб жавоб беришди.

Ишда ҳозирги замон эркин бозор иқтисодиётининг тамойиллари ва шартларининг амал килиши инсон омилини


¹ Основные направления итоги деятельности ГПВРУз. Годовой отчет за 2002г -Т: ГПВРУз, 2003. С.52.

фаоллаштириш учун умумий ижтимоий-иқтисодий мухитни вужудга келтириши кўрсатилган. Бизнинг фикримизга кўра, инсон омилини шакллантириш ва фаоллаштиришнинг умумий йўналишларини, шарт-шароитларини аниқлаш учун, авваламбор, инсоннинг ҳаётдан кўзланган мақсади нималардан иборат эканлигини, сўнгра эса, уларни амалга ошириш механизмларини аниқлаш лозим, деган ёндашув асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, инсон омилини шакллантириш ва фаоллаштиришнинг умумий ижтимоий-иқтисодий йўналишларининг концептуал тизими таклиф этилган (3-чизма).

Ўзбекистонда инсон манбаатларини рўёбга чиқариш, унинг фаровон турмуш ва фаол меҳнат шароитларини яратиш мақсадида иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни эркинлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бу эса, бозорларни, шу жумладан, нархларни эркинлаштириш, акциядорлик давлат-хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият соҳаларини кенгайтиришни рағбатлантириш, давлат корхоналарига ҳам, хусусий бизнес соҳасида мавжуд бўлган бошқариш ва инвестицияларни баҳолаш тамойилларини жорий этиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш каби усусларда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришда инсон омилини фаоллаштиришда асосан, мулкий муносабатларнинг қай тариқа ҳал қилиниши мухим аҳамият касб этади. Шу боисдан, ишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали амалда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўлларидан бири сифатида таҳлил этилган.

Бу ерда турли тадбиркорлик даромадлари олиш имкониятига эта бўлган мулк эталари сони республика аҳолисининг 30%га яқинини ташкил этсада, аммо амалда мулкдорлар қатламини шакллантириш жараёнлари қийин кечеётгандиги асосланган. Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омили амал қилиши шаклларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдир. Уни ривожлантиришни рағбатлантириш, ўз навбатида, инсон омилини фаоллаштиришнинг мухим йўналиши ҳам хисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2005 йил 1 январга келиб, 277,4 мингтага етди, уларнинг 100,2 мингтаси хусусий корхоналардир. Рўйхатта олинган кичик тадбиркорлик субъектларидан 237,5 мингтаси, яъни 85,6% фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 1991 йилдаги 1,5%дан 2004 йилда 35,6%га ўсида. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва турли назорат органларининг аралашувининг камайиши, уларни рўйхатта олиш тизимининг соддалаштирилиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш тизимининг бирмунча такомиллаштирилиши туфайли, иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ва улуши ортиб бормоқда (қаранг: 1-расм).

Инсон омилни фаоллантурининг ижтимоий-иктисодий йўналишларининг концептуал тизими¹



1-расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги улушининг динамикаси, (якунига нисбатан % ҳисобида)¹



Ушбу маълумотлар қишлоқ хўжалигидаги дехқон ва фермер хўжаликларининг тармоқ ялпи маҳсулотидаги улушининг ўсиб бораёттанилигини, лекин саноатда ва асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улушининг ҳамон паст даражада эканлитини кўрсатмоқда.

Бизнинг таҳлилларимиз республикадаги барча турдаги корхоналарда фойданинг умумий пул тушумидаги улуси 1997 йилдаги 7,7%дан 2003 йилда 6,7%га, фойданинг харажатларга нисбати эса, 13,3% дан 11,9%га камайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 16%дан 18,1%га ва 24,1% дан 24,3%га ўсган². Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўртача рентабеллик даражаси 2000 йилдаги 8,8%дан 2003 йилда 14%га ўсди³. Бу эса, кичик тадбиркорликнинг бошқа турдаги тадбиркорлик корхоналарига қараганда, юқори самарадорликка эга эканлигидан далолат беради.

Шу боисдан, республикамизда 2004-2005 йилларда кичик бизнесс ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2005 йилнинг охиригача фаолият кўрсатайтган кичик бизнес субъектларини 300 мингтагача, шу жумладан, фермер хўжаликлари сонини 129 мингтагача, ҳукуқий шахс мақомидаги дехқон хўжаликлари сонини 48 мингтагача, уларнинг ЯИМдаги улушини

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 г. -Т., 2000. С.13; Узбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. Т., 2005. 33,37-6.

² Основные показатели деятельности малых и средних предприятий за 1997г.; Основные показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в РУз за 1999г.; там же за 2003г маълумотлари асосида ҳисобланган.

³ Уздавлатмулк қўмитағи маълумотлари.

38,3%га етказиши мүлжалланмоқда. Бунинг оқибатида 600 мингта янги иш ўринлари яратилади¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамон тўсқинлик қилувчи омиллар мавжуд. Тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олингандан сўнг, то фаолият бошлигуниларига қадар бўладиган жараёнлар ва талаб қилинадиган хужжатлар сонининг кўплиги, кредит ва молиявий ҳамда моддий-техника ресурслари билан таъминлашдаги қийинчилликларнинг мавжудлиги, текширишлар сонининг кўплиги, улар фаолиятига хокимият органлари томонидан ноўрин аралашишларнинг маълум даражада сақланиб қолаётганлиги, солиқ юкининг оғирлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни улгуржи сотиш тизимиning етарли даражада ривожланмаганлиги, тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари пастлиги ва ҳ.к.ларда намоён бўлмоқда. Инсон омилини фаоллаштириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади.

Бунинг учун эса, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида белгилаб берган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тармокнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, банк ва молия тизимларидағи ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни² оғишмасдан амалга опириш муҳим аҳамият каеб этади. Шу муносабат билан, ишда муаллиф кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифларини асослаган.

Ишда инсон омилини фаоллаштириш учун меҳнатта лаёқатли аҳолини жамият ривожланишининг ижтимоий-иктисодий мақсадларига асосланган ҳамда инсоний қадриятларга йўналтирилган иш билан тўлиқ ҳамда самарали бандлигини шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, аҳамияти асосланган. Ушбу моделда инсон ўзининг ёши, жинси, саломатлиги, шахсий ва оиласиавий аҳволи, билим ва касб-малака даражаси, қизиқиши, шахсий манфаати ва қадриятларни идрок этиши ҳамда жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий конъюнктура ўзгаришларини эътиборга олиб, ижтимоий фойдали меҳнат тури, соҳасини, унда иштирок этиш меъёри ва шаклини ўзи эркин танлаш имкониятига эга бўлади.

Бунда меҳнатта лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ўстириш, демографик ва иқтисодиётдаги чуқур таркибий

¹ Панракашин В. Малый бизнес в 2004-2005гг. // Бизнес вестник востока. 4 декабря 2003г. С.1.

² Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.: Ўзбекистон, 2005. - 76-90-6.

ўзгаришлар билан уйғунлаштириш ҳамда инсон шахсини ривожлантиришда касб-корлик мөхнати ролини ошириш, мөхнатга ижтимоий-фаол муносабатин шакллантириш, миллий иқтисодиётни юқори билимли, касб-малакали кадрлар билан таъминлаш асосида юқори самарали ва тұулық иш билан бандликка әришилади. Мазкур модел ишловчиларнинг мобиллиги, яъни ҳаракатчанлитигини, уларнинг билим ва касб-малака даражаларини ўсип боришига асосланған юқори касб-малакавий ва даромадлар бүйіча иқтисодий тоифага үтишга интилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда ахолининг иш билан инсоний қадриятларга йўналтирилган самарали бандлигини таъминлаш учун иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгаришиш асосида ахоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини ўстиришга имкон берадиган кўплаб янги иш ӯринларини яратиш, шунингдек, ишчи кучи бозорини ривожлантириш ва ахолининг иш билан бандлигини тартиблаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган фаол сиёсат юритиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириши тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқидир.

Бизнинг таҳлилларимиз мактабгача таълим муассасаларига болаларнинг жалб этилганлик даражаси 1991 йилдаги 35,1%дан 2000 йилда 18,2%га камайиб, 2003 йилга келиб, 19,2%га кўтарилилганлигини кўрсатмоқда. Кундузги умумтаълим мактаблари сони 2003 йилда 1999 йилга нисбатан 14,4%га, 1997 йилга нисбатан 1,2%га ўсган. Улардаги ўқувчилар сони эса, шунга мос равишда 34,1% ва 14,7%га ўсган. Бу ҳол, биринчидан, ахоли ўсиш суръатларининг пасайиши, иккинчидан эса, ўқувчиларнинг 9-синфни битиргандан сўнг, академик лицей ва касб-хунар колледжларга тобора кўпроқ жалб килинаётганлиги билан изоҳланади. Шу боисдан ҳам, ўрта маҳсус ўқув юртлари сони таҳлил даврларида мос равишда 2,7 ва 2,6 баробарга, улардаги ўқувчилар сони эса, мос равишда 2,7 ва 3 баробардан зиёдга ўсган. 1991-2003 йилларда олий ўқув юртлари сони 52 тадан 62 тага ўди, аммо улардаги талабалар сони 25%га камайди. Бу ерда шуни айтиш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилаёттан даврда, яъни 2003 йилда 1997 йилга нисбатан талабалар сони 1,6 баробарга ошди¹. 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра, республикада 9835 та умумтаълим мактабларида 6151,4 минг нафар ва 65 та академик лицейда 30,5 минг ўқувчи, 827 та касб-хунар колледжларида 757,6 минг ва 63 та олий ўқув юртларида 263,6 минг нафар талаба таҳсил олди².

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси, коммуникациялари ахволи қониқарли эмас. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуруни амалга оширишдаги ҳамда академик лицей ва касб-хунар колледжлари қурилишидаги, уларни ўқув анжомлари, дарслер ва

¹ ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил – Т., 2005 - 87-6.

ўқув қўлланмалари, юқори малакали ўқитувчи-педагог, техник ходимлар билан таъминлашдаги сусткашлик ва маблагларнинг етишмаслиги муаммолари мавжуд. Шу сабабли, уларда ўқитиши сифати ҳозирги замон талабларидан орқада қолмоқда ҳамда ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлмаган ва ишга жойлашмаган 9-синф, АЛ ва КҲҚлари битирувчилари сони талайтина.

Олий ўқув юртларида магистратурага талаба қабул қилиш бакалавриатурага нисбатан факат 8,5%ни ташкил этмоқда. Демак, магистратурада юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятлари анча чекланган. Айтиш жоизки, КҲҚларида асосан, иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун ҳамда замонавий маиший хизмат кўрсатиш ва туризм индустряси учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмокда. Аммо олий ўқув юртларида гуманитар соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш устувордир. Уларда иқтисодиётнинг реал секторлари, маиший хизмат ва туризм индустряси учун кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган.

Тадқиқот ишида аҳоли даромадлари таркибидаги ўзгаришлар таҳлил этилган. 1998-2004 йилларда аҳоли пул даромадларида тадбиркорлик, мулкий даромадлар улуши 28,2%дан 31,1%га, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушсан даромадлар улуши 23,7%дан 29,1%га ўсган. Иш ҳақининг улуши эса, шу даврда 29,4%дан 26,9%га камайган¹. Умуман, меҳнат даромадлари Россия, Қозогистон ва Ўзбекистонда ўсаётган бўлса, Беларус, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Молдова ва Қирғизистонда пасайиб бормоқда. Бу ҳол ушбу мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти ва унинг натижасида даромад олиш имкониятларининг турлича эканлиги билан изоҳланади.

Таҳлилларимиз МДҲ мамлакатларида ёлланма ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг аҳоли ҳамда кузатилган оиласлар даромадидаги улуши камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, иш ҳақининг рагбатлантирувчилик ролининг пасайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ижтимоий-маданий соҳалар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртача ойлик иш ҳақи иқтисодиётдаги ўртача даражадан анча пастdir.

Бизнинг фикримизча, бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омилини фаоллаштириш учун тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, аҳоли даромадларини ўстириш, уларнинг рагбатлантирувчилик ролини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, аҳолининг бозор механизмлари орқали оладиган тадбиркорлик, мулкдан келадиган даромадларини ва иш ҳақини ишлаб топиш имкониятларини ошириш лозим бўлади. Меҳнат даромадларининг оила даромадидаги улушкини ошириш, уларни, хўжалик субъектлари фаолиятининг пировард натижалари, шу жумладан, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариши

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ 2004 йил. – Т., 2005. – 78-б; ЎзР. Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

самарадорлигининг ўсиши билан узвий бөгликлитини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эндиликда давлатнинг даромадлар сиёсатини такомиллашибирлиш, энг кам иш ҳақи миқдорини мамлакатда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш орқали босқичма-босқич тирикчилик минимумига боғлашга ўтиш, ягона тариф сеткасини такомиллашибирлиш ва ундаги тариф коэффициентлари ўртасидаги фарқларни ишловчиларнинг ўз касб-малака даражаларини оширишга рағбатлантирадиган даражада катта бўлишини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-маданий соҳа ходимлари тариф разрядлари ва коэффициентларини босқичма-босқич юқори даражага кўтариш лозим бўлади.

3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қўйидаги хулосалар олинди:

- ижтимоий-иктисодий ривожланишининг инсон омили ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этётган ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган шахс сифатида шаклланган жамият аъзоларига тегишилдир. Иқтисодиётда инсон омили тушунчаси кишилар ўртасидаги уларнинг ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятларидан ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш ҳамда такрор ишлаб чиқариш юзасидан бўладиган ижтимоий-иктисодий муносабатларни ифодалайди;
- инсон омили маълум компонентлар, яъни уни ташкил этувчи қобилият, хусусиятлардан иборат бўлади. Уларнинг ҳар бири биргаликда ёки мустақил равишда ишлаб чиқаришга таъсир этувчи ижтимоий-иктисодий омил сифатида намоён бўлади;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шаклланадиган хилмачил мулк шаклларига мос равишда инсон омили хусусий тадбиркор, фермер, деҳқон хўжалиги бошлиги, жамоавий тадбиркор, бошқарувчи менежер, оиласвий пурдатда бош пурдатчи, ёлланма ишчи, мулкий улуш (пай) ва акция эгаси бўлган эркин ишчи (ходим) ва меҳнат жамоаси каби ижтимоий-иктисодий шаклларда намоён бўлади ва амал қиласади;
- иқтисодиётда инсон омили ҳаракати меҳнат ресурслари ва ишчи кучи, тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлган ишловчи, маълум бир юмуш билан шуғулланувчининг шаклланишидан тортиб, то унинг ўз ишчи кучи ва қобилиятларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солиши, реализация қилишигача бўлган босқичларни ўз ичига олади;
- шахс потенциал имкониятларининг бевосита жонли меҳнатга ўтиши, меҳнат жараёнига қўшилишининг аниқ шаклларига меҳнат ҳатти-ҳаракати, яъни фаолияти дейилади. Унинг функционал таркиби мақсадни белгилало, фаолият воситаси ва усулларини, бажариш интенсивлигини ва сифатини танлаш, натижасини баҳолашни ўз ичига олади. Шахснинг меҳнат фаолияти

режалаштирилган, онгли, ходисавий, фавқулодда, эркин ёки мажбурий, ўзгармас, ўзгарувчи, мослашувчан, яратувчилик ёки бузғунчилик, ижрочилик, фаол шаклларда юз беради. Шу боисдан, кишиларнинг меҳнат фаолияти ижроий ёки фаол шу жумладан, ишлаб чиқариш ва ижодий фаоллик тавсифларига эта бўлади;

• инсон омили ижтимоий-иктисодий ривожланишга ва ишлаб чиқариш самарадорлигига алоҳида ижтимоий-иктисодий омил ҳамда биргаликда ишловчиларнинг меҳнат, шу жумладан, ижодий фаоллиги тадбиркорлик шаклларида намоён бўладиган компонентлари орқали таъсир этади. Бу компонентлар ишловчиларнинг ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилиятини ташкил этади. Ўтиш иктисадиёти шароитида ишловчиларнинг меҳнат фаоллиги ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иктисадиётни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқаришнинг инсон омилини фаоллаштириш учун қўйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди:

1. Инсон омилини фаоллаштиришнинг асосини яратиш учун иктисадиётни давлат тасарруфидан чиқаришнинг жаҳон тажрибасида қўлланилган усулларини, яъни бозорларни эркинлаштириш; акциядорлик давлат-хусусий корхоналари ташкил этилишини ва улар фаолияти соҳаларини кенгайтиришини разбатлантириш; давлат корхоналарига ҳам, хусусий бизнес соҳасида мавжуд бўлган бошқариш ва инвестицияларни баҳолаш тамойилларини жорий этиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни узвий боғлиқликда амалга ошириш.

2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: стратегик аҳамиятта эта бўлмаган ликвидли давлат корхоналарининг танлов асосидаги очик савдосини ташкил этиш ҳамда бунда фуқаролар, кичик ва йирик бизнес субъектлари, хорижий инвесторлар учун тенг шароитлар яратиш; инвесторларга инвестицион мажбуриятлар олиш шарти билан имтиёзли баҳода ёки бепул берилган корхоналар фаолиятининг мониторингини олиб бориш; агар улар ўз мажбуриятларини бажармасалар ёки унинг муддатини чўзиб юборсалар, инвесторни иктисадий жиҳатдан жазолаш ҳатто улардан мулкни олиб қўйиб, бошқаларга бериш механизми ишлаб чиқилиши керак; акциядорлик жамиятларида оқилона дивиденд сиёсатини юритишга ўтиш, замонавий корпоратив бошқариш тизими ва тамойилларини жорий этиш лозим бўлади.

3. Инсон омили фаоллигининг, шу жумладан, тадбиркорлик қобилиятининг намоён бўлиш шакли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб

чиқиши ва амалга ошириш; «маҳалла плюс завод» тадбиркорликни ривожлантириш буйича ҳамкорлик зоналарини ташкил этиши ва кенгайтириш; ийрик савдо, саноат, кишлоқ хўжалиги корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, уларнинг франчайзинг тизимини шакллантириш; тадбиркорларнинг турли нодавлат уюшмалари билан биргаликда тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан ишлаб чиқариш фаолиятларини юритишгача бўлган расмийлаштириш жараёнларини тартибга соладиган ягона тизимни вужудга келтириш лозим.

4. Тадбиркорлик субъектларини молиявий ва моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилаш учун қуийдагиларни амалга ошириш лозим: ўз маблағларидан қонунда ман қилинмаган турдаги тўловлар учун эркин фойдаланишга ружсат бериш; микрокредитлар устувор равишда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун берилиши керак; товар-хомашё ва агросаноат биржалари, улгуржи савдо ташкилотлари кўрсатадиган савдо-воситачилик хизматларини табақалаштириш ва диверсификациялаш; улар қошида сотипдан олдинги ва кейинги сервис хизматлари кўрсатиш пунктлари, фирмаларини ташкил этиш; худудий улгуржи ва майда улгуржи бозорлар, ярмаркалар тизимини кенгайтириш; ички ва халқаро маркетинг хизматларини ташкил этиши керак.

5. Ишлаб чиқариш, капитал концентрациялашуви ва марказлашуви тенденцияларига, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий равишда хўжалик бирлашмалари, кооперативларга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш агросаноат фирмасига ёки бирлашмаларига бирикишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий мухит яратиш лозим.

6. Мехнатга лаёқатли аҳолини жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадларига асосланган ҳамда инсоний қадриятларга йўналтирилган самарали иш билан бандлиги моделини шакллантириш; бу бандлик модели асосида ишловчиларнинг ҳаракатчанлигини ҳамда билим, касб-малакасини ошириш орқали юқори даромадли ижтимоий страт (табақа)га ўтиши учун ижтимоий шароитни вужудга келтириш; ишчи кучи бозорида фаол сиёsat юритиш учун ривожланган мамлакатларда кўлланиладиган бандлик ва кадрларни қайта тайёрлаш сиёsatини кўллаш; ишчи кучи билан иш ўринлари ўртасидаги мувофиқликни шакллантириш лозим.

7. Давлат томонидан ишчи кучи бозорига таъсир этишининг қуийдаги чора-тадбирлари кўлланиши лозим бўлади: а) ишловчиларнинг географик мобиллигини, миграциясини кўллаб-кувватлаш. Бунинг учун, устувор равишда ривожлантирилаётган ва ўзлаштирилаётган худудларга кўчишни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; б) корхоналарда ва меҳнат

биржалари қошида ишчи кучи бозори талабларига мувофик кадрларни қайта тайёрлашни рағбатлантириш; в) ёшларни, айниңса, ногиронларни ҳамда ва жазо муддатини ўтаб кайтган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилинган ишларга жалб этиш, уларни касбий реабилитациядан ўтишларига имконият яратиш; г) ёшлар ва ишсизлик нафақасини олиш муддати тугаётган фуқароларга тегишли тайёргарликдан ўтгач, хусусий бизнес билан шүгүлланишлари учун микрокредитлар ажратиш зарур.

8. Иш билан бандликка кўмаклашиш мақсадида маълум давр мобайнида янги иш жойларини яратган корхоналар учун бандлик фондига маблаг ажратишида имтиёзлар бериш; мардикорлик ҳамда ўй ишларидаги хизматчи аёл, ишчи кучини хорижта экспорт қилиш, ахолининг ички ва ташки миграция жараёнларини тартибга солиш тўғрисида қонунлар, хукукий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш вакти етди.

9. Иш билан оқилона ва самарали бандликни вужудга келтириш мақсадида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун, мукаммал технологик жараённи ўз ичига оладиган маҳаллий ва қишлоқ ҳўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган, тайёр ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоқ ва корхоналарни рағбатлантириш, қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш, махсус дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириш; республикада ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириши ва иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартишнинг бош дастурини ишлаб чиқиш; ҳар бир вилоятни, худудни кенг қамровли ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ресурс ва харажатларни тежайдиган, кўп меҳнат, ишчи кучи талаб қиласидиган, илм талаб, замонавий тармоқларни ривожлантиришга устуворлик бериш; жадаллашган амортизация сиёсатини, селектив, индикатив ўрта ва узок муддатли режалаштириш, прогнозлаштиришни кўллаш лозим бўлади.

10. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган миқдорда академик лицей ва касб-хунар коллежлари қуриш, умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, уларни молиялаштиришнинг ўрта ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиш; бунинг учун, хорижий инвестицияларни, ҳомийлик ва подавлат фондларини, ахоли, корхоналар, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондларни жалб қилиш; молиявий маблаг ва ўқув жиҳозларидан унумли фойдаланиш мақсадида шаҳар, туманлар марказларида, ахоли зич жойлашган катта қишлоқ ва посёлкаларда бир неча йўналишда кадрлар тайёрлаш бўйича таянч касб-хунар коллежларини ташкил этиш; уларнинг лаборатория ва устахоналаридан умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун амалий машгулотлар ўtkазишга, оммабоп ишчи касб-корларни ўрганишларига имкон яратиш; академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш сифатини ошириш, амалиёт билан боғлаш

учун уларни олий ўқув юртлари, илмий - тадқиқот институтлари, марказлар ва ийрик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш; мазкур ўқув муассасаларини уларнинг базасида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт таркибий ўзгаришларининг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларига, ишчи кучи бозори талабларига мувофиқ табиий фанлар, мухандис, техник касб-корлари бўйича кадрлар тайёрлашга устуворлик бериш; магистратурага талabalар қабул қилишни кескин кўпайтириш ва ўқитиш сифатини ошириш; таълим хизматлари бозорида рақобат мухитини яратиш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида нодавлат умумтаълим мактаблари, оммабоп ишчи касб-корлари тайёрловчи ўрта маҳсус таълим ўқув юртлари, ўқув курслари, бизнес мактабарини, ҳатто олий ўқув юртларини ташкил этиш учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий шароит яратиш зарур.

11. Ишлаб чиқаришда инсон омилини фаоллаштириш учун аҳоли даромадларининг меҳнат асосини шакллантириш, иш ҳақининг рагбатлантирувчилик ролини ошириш ҳамда ишловчиларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириши керак: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлат мулкими хусусийлаштириш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, давлат активларини сотиш орқали аҳолининг бозорга хос даромадларини олиш имкониятларини кентайтириш; иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилашиб бориши билан боғлик равища даҳсимот муносабатлари тизимига энг кам истеъмол бюджетини киритиш, дастлаб, истеъмол саватига кишилар истеъмолининг физиологик минимумини таъминлайдиган товар ва хизматларни киритиш асосида энг кам истеъмол бюджети шакллантирилади. Барқарор ижтимоий-иктисодий ўсишта эришган сари истеъмол саватига киритиладиган товарлар миқдори ўсиб боради. Унга мувофиқ равища энг кам иш ҳақи миқдорини ҳам, босқичма-босқич ўстириб бориш тақозо этилади.

Ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш; унинг таянч иш ҳақи миқдорини босқичма-босқич энг кам истеъмол бюджетига асосан, белгиланган энг кам иш ҳақи даражаси билан белгилашга ўтиш; тариф разрядларини фарқловчи тариф коэффициентларини ошириш лозим. Бунинг оқибатида ишчилар ўз касб-малака даражаларини оширишга қизиқадиган бўладилар.

12. Корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнат жараёнларини инсонийлаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади: иш жойларини, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, паспортизациялаштириш ҳамда оқилоналаштириш орқали инсон ҳаётига, саломатлигига ҳавф солувчи, экологик, эргономик, санитария-тигиена талабларига жавоб бермайдиган оғир, қўл ва

малакасиз меҳнатга асосланган иш ўринларини қисқартириш; корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, қайта техник жиҳозлаш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда улардаги меҳнат шароитларини яхшилашнинг умумдавлат, тармоқ ҳамда корхоналар миқёсларидағи дастурларни ишлаб чиқиш; уларни амалга ошираётган корхоналарга солик, кредит имтиёзларини кучайтириш ҳамда жадаллашган амортизация сиёсатини қўллаш; ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технология ва техника, ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражалари билан ишчи ва хизматчилар билим, касб-малака даражаларининг мувофиқлигини таъминлашга эътиборни кучайтириш; ишлаб чиқаришни бошқаришда инсоний муносабатларни ривожлантириш; корхонанинг иктисадий-ижтимоий паспортини тузиш; корхона эгалари билан ишчи-ходимлар ва касаба уюшмалари ўртасида тузиладиган жамоавий меҳнат шартномалари аҳамиятини ошириш ҳамда уларда ходимлар манфаатларини химоя қилишини кучайтириш мақсадга мувофиқидир.

13. Яқин келажакда аҳолини рўйхатга олишни амалга ошириш орқали унинг ижтимоий-демографик, касб-малака, билим ва саводхонлих даражалари бўйича, иктисадиёт секторлари, соҳа ва тармоқларидаги иш билан бандлик таркиби, ички ва ташки миграция жараёнларини аниқлаш ҳамда улардаги ўзгаришларнинг истиқболдаги тенденцияларини белгилаш мақсадга мувофиқидир. Бу эса, давлатта фаол демографик, иш билан бандлик, даромад, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ижтимоий сиёсатини янада такомиллаштириш имконини беради.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР

I. Монографиялар, рисолалар ва илмий журналларда чои этилган мақолалар

1. Абулкасимов Х.П. Личный фактор в перестройке экономике. – Т., Узбекистан, 1990. – 110 с.
2. Абулкасимов Х.П. Теоретические аспекты социальной политики Республики Узбекистан в современных условиях. – Т.: Фан, 1994. – 24 с.
3. Абулкасимов Х.П. Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. – Т.: ТГТУ, 1994. – 68 с.
4. Абулкасимов Х.П. Личный фактор общественного производства в условиях перехода к рыночной экономике. Т.: ТГТУ, 1996. – 171 с.
5. Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абулқосимов Х.П. Бозор иктисадиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. – Т.: Шарқ, 1996. – 64 с.
6. Абулқосимов Х.П. Ҳусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иктисадий муаммолари. Т.: ТДТУ, 1998. – 80 б.
7. Абулкасимов Х.П. Проблемы формирования, и активизации личного фактора общественного производства в условиях переходной экономики. – Т.: Университет, 1999. – 153 с.

8. Ўзбекистон таракқиётининг ижтимоий-иктисодий муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари./ Абулқосимов Ҳ.П., Набиев Э.Ф., Рахимова Д.Н., Юлдашев Д.-Т.: Университет, 1999. – 72 б.
9. Ўзбекистонда иктиносидий ислохотларни чуқурлаштириш ва иктисиётини эркинлаштириш йўллари. Абулқосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Рахимова Д.Н., Норбоев Б.-Т.: ТошДУ, 2001. – 112 б.
10. Абулқосимов Ҳ.П Акционерлик жамиятлари ва уларнинг хўжалик фаолияти асослари. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2001. – 114 б.
11. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р., Фармонов И. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. –Т.: ТДГУ, 2003. – 68 б.
12. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳолмуратова Г.П., Жуманиязова М.Ю Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ахволини яхшилаш масалалари. -Т.: ТМИ, 2004. – 96 б.
13. Раҳимова Д.Н., Абулқосимов Ҳ.П., Абдураҳмонов О.Қ. Бошқарув тизими ва раҳбар. – Т.: ТДГУ, 2004. – 138 б.
14. Абулқосимов Ҳ.П., Ёқубова С.Ю., Полвонов Ҳ.Р. Иктисиётини эркинлаштириш шароитида корхона фаолияти самараадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004. – 70 б.
15. Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланашётган бозор иктисиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Т.: ТМИ, 2005. – 225 б.
16. Абулқосимов Ҳ.П. Муносабат ёки иш шароитини яхшилаш меҳнаткашларнинг социал-иктисодий талабидир. // Ж. Ҳаёт ва иктисол. 1992. – 2-сон. – Б.58-59.
17. Абулқосимов Ҳ.П. Эртанги кунга замин (ёки хусусийлаштириш муаммолари хусусида). // Ж. Ҳаёт ва иктисол. 1992. – 10-сон. – Б. 18-19.
18. Абулқосимов Ҳ.П. Мақсад ва имкониятлар. // Ж. Мулокот, 1993. – 2-сон. – Б. 15-17.
19. Абулқосимов Ҳ.П. Переход к рыночным механизмам.// Ж. Экономика и статистика. 1993. – №8. – С. 38-39.
20. Абулқосимов Ҳ.П., Содиков У.О. Муаммонинг ечими қайдা? // Ж. Иктисол ва ҳисобот. 1994. – 1-2-сон. – Б. 46-47.
21. Абулқосимов Ҳ.П. Ишсизликнинг моҳияти ва шакллари. // Ж. Иктисол ва ҳисобот. 1994. – 7-8-сон. – Б. 38-39.
22. Абулқосимов Ҳ.П. Актуальные проблемы разгосударствления экономики. // Ж. Экономика и статистика. 1995. – №1-2. С. 8-10.
23. Абулқосимов Ҳ.П. Ортиқча одам бўлмаслик учун. // Ж. Мулокот. 1995. – 7-8-сон. – Б. 28-30.
24. Абулқосимов Ҳ.П., Мўминов Н.Г. Таркибий ўзгаришлар омили. // Ж. Иктисол ва ҳисобот. 1997. – 2-сон. – Б. 24-25.
25. Абулқосимов Ҳ.П., Кулматов О. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият. // Ж. Иктисол ва ҳисобот. 1994. – 9-сон. – Б. 12-14.
26. Абулқосимов Ҳ.П. Разгосударствление экономики и формирования нового отношения к труду в Республике

Узбекистан. // Ж. Транзитная экономика (Алматы, РК), 1998. – №3. – С. 40-43.

27. Абулқосимов Ҳ.П. Уровень и структурные сдвиги занятости населения Республики Узбекистан. // Ж. Транзитная экономика (Алматы, РК), 1998. – №4. – С. 39-44.

28. Абулқасимов Ҳ.П., Кулматов О. Особенности социальной политики в Республике Узбекистан и пути её реализации на новом этапе реформирования экономики. // Ж. Известия Академии занятости труда. Ижевск, 2000. – №3-4. – С. 34-38.

29. Абулқасимов Ҳ.П., Эркаев Б.А. Узбекистан: проблемы углубления рыночных реформ. // Ж. Экономика и технология. Вып. 13. Москва, 2000. – С.34-38.

30. Абулқосимов Ҳ.П., Абдуллаева Р. Хунармандчилик ривожи ва тадбиркорлик. // Ж. Жамият ва бошқарув, 2000. – 3-сон. – Б. 71-73.

31. Абулқосимов Ҳ.П. Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш йўллари. // Ж. Жамият ва бошқарув, 2001. – 1-сон. – Б. 27-30.

32. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий фаоллик ўтиришнинг муҳим шартлари. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. – 6-сон. – Б. 51-52.

33. Абулқосимов Ҳ.П. Ёрдам наф келтирсин // Ж. Жамият ва бошқарув, 2001. – 3-сон. – Б. 52-57.

34. Абулқосимов Ҳ.П., Худайбердиев З. Бир марталик иш билан таъминлаш марказлари фаолияти. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. – 1,2-сон – Б. 43-44.

35. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий вазифалари. // Ж. Жамият ва бошқарув, 2002. – 2-сон. – Б. 35-37.

36. Абулқосимов Ҳ.П., Фаниев М., Исомиддинов Ф. Мулк, меҳнат, манбаат ва масъулият. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2003.– 8-сон. – Б. 31-32.

37. Абулқасимов Ҳ.П. Динамика занятости населения Республики Узбекистан. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. – 4-сон. – С. 62-64.

38. Абулқосимов Ҳ.П., Рахимова Д.Н. Раҳбар – инсон ва бошқарувчи. // Ж. Жамият ва бошқарув. 2003. – 4-сон. – Б. 27-29.

39. Абулқосимов Ҳ.П. Мустақиллик шароитида барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўллари. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. 2003. – 4-сон. – Б. 25-30.

40. Абулқосимов Ҳ.П. Ижтимоий ҳимоя. // Ж. Жамият ва бошқарув. 2004. – 3-сон. – Б. 26-27.

II. Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар ва анжуманларда қилинган маъруза тезислари

41. Абулқосимов Ҳ.П., Рустамов Ш. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш тадбиркорликни қувватлашнинг муҳим босқичидир. // Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар тажриба, муаммолар ва келажак. Илмий ишлар тўплами. Китоб 1. Т.: ТДТУ, 1994.– Б. 17-18.

42. Абулқасимов Х.П. Проблемы создания заработанной основы формирования доходов населения в условиях перехода к рыночной экономике.// Развитие и становление проблем языка, культуры философии и науки: традиции и современность. Сб.науч.тр. Т.ТГТУ, 1995. – С 21-23.
43. Абулқасимов Х.П. Стадии формирования и функционирования личного фактора общественного производства.// В сб. н. тр. «Научные проблемы соц.-экон., исторического и философского и культурного развития Республики Узбекистан. - Т.: ТДТУ, 1996. – С. 9-10.
44. Абулқасимов Х.П. Сочетания противоречий форм индивидуального и коллективного труда – основа реализации потенциала человека // Ҳўжалик юритишнинг янги шароитларида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари (мақолалар тўплами). Т.: ТДТУ, 1996. – Б. 45-49.
45. Абулқасимов Х.П. Некоторые пути совершенствования подготовки и переподготовки рабочих кадров непосредственно на производстве. // В сб. науч. тр. «Исследование научно-технических достижений высшей школы». Т.: ТДТУ, 1996. – С. 24-26.
46. Абулқосимов Х.П. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш. // Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. ОЎЮ илмий ишлар тўплами. Вып. 2. Т.:ТДТУ, 1999. – Б. 62-66.
47. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётниң таркибий тузилишини ўзгартириш зарурати ва мақсадлари. // Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Узбекистон, 2000. – Б. 307-310.
48. Абулқосимов Х.П. Илм талаб тармоқларни устун даражада ривожлантириш. // Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Узбекистон, 2000. – Б. 312-315.
49. Абулқосимов Х.П., Набиев Э.Ф. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат. // Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Узбекистон, 2000. – Б. 322-324.
50. Абулқосимов Х.П. Ижтимоий ишлаб чиқариш. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Т., Ўз. Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – 4-жилд. – Б. 82.
51. Абулқосимов Х.П. Ишлаб чиқариш усули. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Т., Ўз. Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – 4-жилд. – Б. 312.
52. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг долзарбомиллари. //Аграр соҳада ислоҳотларни янада чукурлаштириш муаммолари ва ечимлари. Т.:Мехнат. 2002. – Б. 92-98.
53. Абулқосимов Х.П. Бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, макро-иктисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари ва уларнинг ечимлари. //Аграр соҳада ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чукурлаштириш муаммолари ва ечимлари. Т.: Мехнат, 2003. – Б. 95-99.

54. Абулқосимов Ҳ.П. Инсонлараро мөхр-муруват муносабатлари ва ижтимоий ҳимоя. // Христиан-Ислом мулокоти. Германия-Ўзбекистон. Халқаро семинар материаллари. Оsnabрюк Университети, ДЖҚА. Т.: Академия, 2003. – Б. 91-95.
55. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётда барқарорлик: натижалар, қиёсий таҳдиллар, вазифалар. // Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш асослари.- Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2004.- Б. 146-149.
56. Абулқасимов Ҳ.П. Пути совершенствования системы материального и морального стимулирования повышения эффективности производства в условиях перехода к рыночной экономике // Материалы: Регионал. проблемы повышения эффективности общ. пр-ва в новых условиях хозяйствования. Ч 1. Т.: Узбекистан, 1991. – С.24-25.
57. Абулқасимов Ҳ.П. Проблемы социальной защиты населения Республики Узбекистан. // Ўз.Рес. ва бозор иқтисодиёти муаммолари бўйича илмий анжуман. Маъruzalari тўплами. Т.:ТДТУ, 1994. – Б. 38-39.
58. Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш сезилини кисқартириш муаммоси. // Ўша ерда. – Б. 125-126.
59. Абулқасимов Ҳ.П. Осуществление глубоких структурных преобразований – важное условие увеличения занятости населения. // Ўзбекистон демократик жамият куриш йўлида» илмий-назарий анжуман маъruzаларини кисқача матви. Т.: ТДТУ, 1996. – С. 69-73.
60. Абулқосимов Ҳ.П. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари. // Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитига иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. Фаргона, ФДУ, 1999. – Б. 31-33.
61. Абулқасимов Ҳ.П. Особенности соединения работника со средствами производства разнообразных форм собственности. // Тезисы докладов международной науч. практик. конф. Устойчивое развитие экономики на рубеже XXI века.-М.: РЭА им В.Г.Плеханова. 2000. – С.6-8.
62. Абулқасимов Ҳ.П. Стадии формирования личностно-человеческого фактора экономического развития. // Четырнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов, 28-29 апреля 2001 г. - М.: Изд-во РЭА., 2001. – С. 46-48.
63. Абулқасимов Ҳ.П., Маматов А. Пути повышения доходов населения Узбекистана на новом этапе реформирования экономики. // Четырнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов, 28-29 апреля 2001г. - М.: Изд-во РЭА, 2001. – С.84-86.
64. Абулқасимов Ҳ.П. Некоторые аспекты социальной защиты населения в Узбекистане. // Пятнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (26 апреля 2002 г.) – М.: Изд-во Рос. Экон. Акад., 2002. – Б. 358-360.

65. Абулқасимов Х.П. Формирование новых социально-трудовых отношений в условиях перехода к рыночной экономике // Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. М.: Изд. Рос. Экон. акад. 2003. – Б. 400-402.

66. Абулқасимов Х.П. Некоторые тенденции занятости населения Республики Узбекистан. // Семнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (21 апреля 2004 г.). Выездная сессия в г.Ташкенте. -М.: Изд Рос Экон Акад, 2004. – Б. 254-255.

67. Абулқосимов Х.П. Даромадларнинг ишлаб топилганлик асосини яратиш ва уларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш. /«Маънавият, илму-фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қиласин» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2004 йил 25 ноябр. Т., 2004 – Б. 103-105.

Тадқиқотчи:



**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор
Абулқосимов Ҳасан Пирназаровичнинг 08.00.01-«Иқтисодий назария»
иҳтиносослиги бўйича «Шакллананаётган бозор иқтисодиётида инсон
омили ва уни фаоллаштириш йўллари» мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: меҳнат, ишчи кучи, тадбиркорлик
кобилияти, инсон омили, бизнес, тадбиркорлик, иш билан бандлик,
ишсизлик, даромад, иш ҳақи.

Тадқиқот объектлари: меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва иш
билингвистика, меҳнат муносабатлари.

Ишнинг мақсади: ишлаб чиқаришда инсон омилиниң шаклланиши, амал қилиши ва ижтимоий-иктисодий ривожланишини
таъминлашдаги ўрнини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни
фаоллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқишидан
иборат.

Тадқиқот усули: илмий абстракция, мантиқийлик, тизимли,
функционал-таркибий, қиёсий таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: умумижтимоий
категория бўлган инсон омилиниң иқтисодий мазмуни аниқланган ва
ижтимоий-иктисодий шакллари, компонентлари таснифланиши ишлаб
чиқилган, инсон омилиниң шаклланиши, ривожланиши, амал қилиши
босқичлари, ишлаб чиқариш воситалари билан уйргулашуви усуллари
асосланган, унинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат
унумдорлигига таъсири таҳлил қилинган; республикада аҳолининг иш
билингвистика, кадриятларга йўналтирилган самарали бандлиги
моделини шакллантириш асосланган; кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини
ошириш тизимини такомиллаштириш ва ахоли даромадларининг инсон
омилини разбатлантирувчилик ролини ошириш йўллари таҳлил
етилиб, амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқаришда инсон омилини
фаоллаштириш, аҳолининг иш билан оқилона, самарали бандлигини
таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш,
кадрлар тайёрлаш тизимини ҳамда давлатнинг даромадлар сиёсатини
такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишида,
«Иқтисодий назария», «Макроиктисодиёт», «Микроиктисодиёт»
курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот
материаллари ва натижаларидан ЎзР Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларида, Ўздавлатмулк қўмитаси
ва Ўзбекистон қаттиқ қоришмали ва ўтга чидамли металллар
комбинатида, «Мехр-муруват Йили» Давлат дастурини ва Иқтисодиёт
назариясини ўқитиш концепциясини ишлаб чиқишида, ўкув
жараёнларида, дистант таълим ва мультимедия курсларини яратишида
фойдаланилган.

Қўлланинг соҳаси: давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсати
«Иқтисодиёт назарияси», «Макроиктисодиёт», «Микроиктисодиёт».

РЕЗЮМЕ

диссертации Х.П.Абулкасимова на тему «Человеческий фактор в формирующемся рыночной экономике и пути его активизации» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.01-«Экономическая теория»

Ключевые слова: труд, рабочая сила, предпринимательская способность, человеческий фактор, бизнес, предпринимательство, занятость трудом, безработица, доход, заработка плата.

Объекты исследования: трудовые ресурсы, экономически активное и занятое население, трудовые отношения.

Цель работы: научно-теоретическое исследование формирование, функционирование и роли человеческого фактора производства в обеспечении социально-экономического развития и разработка практических предложений по его активизации.

Метод исследования: научная абстракция, логический, системный, функционально-структурный и сравнительный анализ.

Полученные результаты и их новизна: определена экономическое содержание человеческого фактора; разработана классификация его компонентов и социально-экономических форм; обоснованы этапы его формирования, развития и функционирования, а также способы соединения и соответствия со средствами производства; анализирован его влияние на повышение эффективности производства и производительности труда; обоснованы формирование модели эффективной занятости с гуманистической направленностью; анализированы и разработаны практические рекомендации по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, совершенствованию подготовки кадров и повышению их квалификации, путем повышения стимулирующей роли доходов населения.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы при разработке мероприятий по активизации человеческого фактора в производстве, в обеспечении рациональной и эффективной занятости, в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства, в совершенствовании системы подготовки кадров и повышении их квалификации, а также политики доходов государства и в преподавании курсов Экономической теории, Макроэкономики и Микроэкономики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: материалы и результаты работы использованы в Министерствах Экономики, Труда и социальной защиты населения, Госкомимуществе РУз, в УзКТЖМ, в разработке Государственной программы «Год доброты и милосердия» и концепции преподавания «Экономической теории», в учебном процессе, а также в создании мультимедийного и дистанционного учебных курсов.

Область применения: социально-экономическая политика государства, Экономическая теория, микро и макроэкономика.

R E S U M E

Theses of Kh.P.Abulkasimov on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in Economic Theory specialty 08 00 01

Subject: "Human factor in the period of formation of Market Economy and the ways of its activation"

Key words: labour, labour forces, abilities in business, human factor, business, entrepreneurship, employment, unemployment, income, salary

Subjects of inquiry: labour resources, economically active and occupied population, labour relations.

Aim of the inquiry: scientific theoretic research of formation, function and role of human factor construction in provision of social economic development and the development of priority social economic directions and the practical proposals of its activation.

Method of enquiry: scientific abstract, logical, systematic, functional structural and comparative analysis.

The results achieved and their novelty: the human factor economic content has been defined; the classifications of its components and social economic forms have been created; the stages of its formation, development and function, as well as the ways of its linkage and correspondence to the means of production have been motivated; its influence to the raise of production effectiveness and labour capacity have been analysed; the formation of humanistic oriented model of effective employment has been motivated; practical recommendations on the development of small business and private entrepreneurship, personnel development, the ways of raising of population income stimulus have been analyzed and developed.

Practical value: the results of research can be used in the process of development of recommendations on activation of human factor in production, in provision of rational and effective employment, in the development of small business and private entrepreneurship, in the improvement of the system of personnel development and refreshment, as well as in the policy of state income and teaching Economic Theory, Microeconomics and Macroeconomics.

Degree of embed and economic effectiveness: the materials and the results of the research have been used in The Ministry of Economics, Labour and Social protection of population, state property committee ("Goscomimushesvo") in "UzKTGM", in creation of State program on "The year of mercy and kindness" and the concept of teaching of Economic Theory, in teaching process, as well as in creation of multimedia and distance education courses.

Sphere of usage: social economic policy of the state, Economic theory, Microeconomics and Macroeconomics.

Босишга рухсат этилди 2005 йил 21 апрель. Бичими 30x42.
Нашр ҳисоб табоги 2,2 б.т. Адади 100. Буюртма № 19

Тошкент Молия институти босмахонасида «RISO» нусха
кўпайтириш қурилмасида чоп этилди.

700084, Тошкент шаҳри, X.Асомов кўчаси, 7-уий.

